

МУҲАММАД ЮСУФ

УЙҚУДАГИ ҚИЗ

Шеърлар



ТОШКЕНТ

Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириёти
1989

Ўз
Ю 91

Юсуф, Мухаммад.

Үйқудаги қиз: Шеърлар.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.—208 б.

«Жайрон пега кўзинг тўла ёш»— Мухаммад Юсуф шеърларидан бири шундай бошланади. Бу иқтидорли шоиринг илк севгига, илк ҳайрат ва армонга берган нисбати. Боқий мұхаббат ва садоқат ҳақидаги әхтиросли шеърлар илиқ таассурот уйғотади, хаёлга чўмдиради.

Юсуф, Мухаммад. Спящая девушка.

Ю 4702620202—38
М 352 (04)—89 34—89

ISBN 5—635—00405—9

Уз2

СҮЗ БОШИ

Юртим, сенга нафим тегмади,
Кўрдим беюз ҳакамларингни,
Пулдор — бели маҳкамларингни,
Гоҳи чидаб яшадим, гоҳи
Гапирсам ҳам гапим тегмади.

Улар балки уммонда хасдай,
Қалқиб юза чиқмиш бирпасга.
Ёниб кетди юрагим лекин,
Қониб кетди юрагим лекин.

Кўксимдаги энг шаффоғ ва пок
Туйғум қочиб кетди бир кеча.

Билмам, балки болалигим у,
Ёздим-чиздим, хўрсиндим-чекдим,
Үйқум қочиб кетди бир кеча.

Отам койиб, ялиниди қапча,
Пўписа ҳам қилди нечалар:
Бир кун ҳолдан тойдирар сени
Сен ухламай чиққан кечалар.

Хавотирда ўйларга ботди,
Шеърларимдан онам бехабар:

Мумкин йўлдан оғдирап мени
Мен ухламай чиққан кечалар...

Деманг бунча маҳмадона бу,
На бир шама, на бир таъна бу.

Билмам, балки болалигимдир,
Хуш кўрсангиз ўқинг, мана у-
Мен ухламай йиққан кечалар!

КИЙИК СҮҚМОҚ



Шеърият бу қадим буюк
Сүқмоқ экан,
Кийиксүқмоқ экан, кийик
сүқмоқ экан.

Ширин азоб экан, жонни
Еқмоқ экан,
Бир қўлда гул, бир қўлингда
чақмоқ экан...

Юрагим-ей, бошлиб келдинг
Мени қайга?
Багрим ўхшар пора-пора
Бўлган найга.

Кўнглим сезар бу сўқмоқдан
Ўтолмайман.
Қайтиб кетай десам қайтиб
Кетолмайман —

Чагиртошлар товонимдан
Тишлаб олган,
Қўлларимдан кийикчалар
Ушлаб олган.

ИНҚИЛОБ

Тулпор отга ўқ тегди,
Учиб келган чўғ тегди.
Тулпор отнинг юраги
Мана, ҳозир тўхтайди...

Ухла жонвор, қўзинг ёп,
Унутмайди инқилоб!

Инқилди ерга тулпор,
Бир кишиади сўнгти бор.
Қип-қизил қоп бўлди ер,
Таралди нолай зор:

Қулуним, ўрнимга чоп,
Унутмайди инқилоб!

Улуг қунда одамлар
Бизни ҳам бир ёдлар дер.
Юлдузлар бу — осмонда
Ўтлаб юрган отлардир.

Ўз отингни ўзинг топ,
Унутмайди инқилоб!..

Ҳей, чавандоз қасоскор,
Тўхта, сенда гапим бор.
Кел, қиличишг қайраб ол
Отдан тушмай, мен тайёр-

Қовурғам хўп қайроқбоп...
Унутмайди инқилоб!

Сочинг ерга садаға,
Тилинг қани Майна қиз?
Абдуллани Бойсунда
Тошлар билан кўмдик биз...

Кафан бўлди қонли қоп,
Унутмайди инқилоб!

Эй, дўст чўккин ёнимга,
Мен эиди туролмайман.
Ўляпману онамга
Хат ёзиши билмайман.

Ўзинг овут, кўнглини топ,
Унутмайди инқилоб!

Офтоб чиқар кун яқин,
Туркистанда тонг отар.
Қаранг, кимлар элим дер,
Қаранг кимлар юрт сотар-

Ҳаммаси бўлар ҳисоб,
Унутмайди инқилоб!..

Мен эса жим ётибман,
Жоним оғрир жилмайсан.
Синглим бўлиб йиглайди
Бошим узра бир майса...

Кел, майсажон кўзим ёп,
Унутмайди инқилоб!

БОБОДЕҲҚОНИМ

Ер айланар,
Ер айланар,
Ер югуриб тиимайди,
Яктаингнинг енгларидан
Тер югуриб тиимайди,
Қўлинг тегмай бу дунёда
Битта гиёҳ уимайди,
Тин билмаган жоним менинг,
Бободеҳқоним менинг...
Офтоб чиқар,
Офтоб ботар,
Чўглар сочиб танангга,
Бир кунгина бормай қўйсаиг,
Нима қилар далангга?...
Бир шонача парвоналар
Бўлолмайсан болангга,
Ташнаи илоним менинг,
Бободеҳқоним менинг.
Иш дегани фақат сенга
Чиқканми ё, эй мўмин?
Қора меҳнат йўргагингдан
Юқканми ё, эй мўмин?
Онанг сени пахтазорда
Туқканми ё, эй мўмин?..
Қадоқ қўл — товоним менинг,
Бободеҳқоним менинг.
Ким йўлиқди чўл бағрида
Бўстонларни яратиб,
Қора денгиз бўйларида
Ким кезар жон яйратиб,
Мишибар тўла гапга чечан

Нотиқларни сайратиб,
Ўзи безабоним менинг,
Бободеҳқоним менинг.
Шийлонларда ўлтирадинг
Кўтаролмай белингни,
Семиз вакил мактабидан
Ҳайдаб келди ўглингни,
Кеч куз эди, ечиб бердинг
Эгнингдаги тўнингни:
«Ол, кийвол, полвоним менинг...»
Бободеҳқоним менинг.

Болажоним,
Сен-ку келдигиг,
Жонинг ачиб отангга,
Ҳатто сенинг меҳнатингни
Билмадилар аттанг-а...
Пўчоқни ҳам пахта қилиб
Топширгаплар Ватанга!..
Топгани талоним менинг,
Бободеҳқоним менинг.

Оlam яралгандан бўён
Деҳқон кимни алдабди,
Деҳқон қўлини қабартирган
Кетмон кимни алдабди,
Ўзбегимнинг пешволари
Ўзбегимни алдабди...
Оҳ, лолу ҳайроним менинг,
Бободеҳқоним менинг.

Соддадилим,
Сен-да суюб,
Ишонгандинг уларга,
Тонгни тонгга улаб меҳнат
Қилдинги тулкиларга,

Бир қўлингнинг фурсати йўқ
Бир қўлингни силарга,
Меҳнати армоним менинг,
Бободеҳқоним менинг.

Жопим бобом,
Гапир сен ҳам
Бундоқ ҳолу аҳволинг,
Балиқ бўлиб уватларда
Сузиб юрар хаёлинг,
Сени сотган олчоқларга
Йўқмиди бир саволинг?..
Эҳ, оғир карвоним менинг,
Бободеҳқоним менинг.

Нега хомуш ерга боқдинг,
Бўйингдан айланайин,
Шу топда кўнглингдан кечган
Ўйингдан айланайин:
Арпа эккан — арпа ўпар,
Бугдой эккан — буғдоин!..
Ҳалол тузи ионим менинг,
Бободеҳқоним менинг.

Замин аро тирикликни
Бор қилгувчи ўзингсан.
Е гулизор,
Е ташнаи
Зор қилгувчи ўзингсан,
Обиҳаёт таратгувчи
Буюқ сувчи ўзингсан,
Типчликка посбоним менинг,
Бободеҳқоним менинг...

Сен ҳамиша ҳақ томонсан,
Сен ҳақиқат томонсан,

Одамзотни эзгуликка
Етакловчи сарбонсан,
Ўзинг бемор,
Ўзинг табиб,
Ўзинг малҳам, дармонсан,
Багри кенг осмоним менинг,
Бободеҳқоним менинг.

Ер айланар,
Ер айланар,
Ер югуриб тинмайди,
Сенинг ойдек юзларингдан
Тер югуриб тинмайди,
Қўлинг тегмай бу дунёда
Битта гиёҳ уммайди,
Тин билмаган жоним менинг
Бободеҳқоним менинг.

Элим ризқи мудом сенинг
Пешонангнинг терида,
Элим ризқи етилгайдир
Юрагингнинг қўрида,
Савлат тўкиб ўлтирганим
Қўрултойлар тўрида-
Бекасам чопоним менинг,
Бободеҳқоним менинг!..

Мен ҳам сенинг тузи ионинг
Ичиб юрган болангман,
Шоирман деб қушдай қўниб,
Учиб юрган болангман,
Ўзинг билан пайқалда сув
Кечиб юрган болангман-
Сенга бу достоним менинг,
Бободеҳқоним менинг...

* * *

Кўнгил шодлигига йўқдир ниҳоя,
Жонимни аллалар тугилган ерим.
Салом, ота макон ва бедапоя-
Олифта қизларга ёқмаган шеърим!..

Сен ўша-ўшасан, дилкашу мўмин,
Дунёни ўйлайсан шудгорни кеча.
Юзингдан сув оқиб тинмайди бир кун,
Кўзингдан аrimас ташвиш бир кеча.

Мен эса яшадим олисда бебош,
Тилла сиргаларининг жаранги аро.
Ўси, ўсаверди юрак — харсангтош,
Болангга ўхшамай турибман, қара.

Келаман битталаб териб лой йўлдан
Олтин ёшлигимният суратларини...
Ўрдаклар учади оғриниб қўлдан
Офтобга тутгали ҳўл патларини.

Кўнгил шодлигига йўқдир ниҳоя,
Энди қадринг билдим, тугилган ерим.
Салом, яйдоқ дала ва ғўзапоя-
Олифта қизларга ёқмаган шеърим!..

ТУГИЛГАН КУНДА

Жилмаяр кимнингдир дўрдоқ лаблари,
Зада кўнгил ўзи уқиб олади:
Сенинг кўйлагингнинг енги кўп узун,
Менинг эса тилим узун, галати.

Қандилга термулиб мастона нигоҳ,
Зимдан биз томонга разм солади:
Сенинг қўлингда ҳеч турмайди пичоқ,
Такаллуфни билмас мен ҳам, галати.

Боқади тозидай гоҳ қулоги динг,
Кўзига ишонмай қотиб қолади:
Сен қандай ўқчимай майни ҳўпладинг,
Тутилмай шеър айтдим мен ҳам, галати...

Имлайсан — кетайлик. У яна сергак.
Столга энгашиб гулни ҳидлайди.
Барини билар у дунёда, фақат
Онаси тугилган кунни билмайди.

ЧҮЛОҚ ТУРНА

Низом акага

Бир оёқда чопиб келдинг
Чўлоқ турна,
Уйим қайдан топиб келдинг,
Чўлоқ турна?

Ўзи қон бу дилни энди
Сен ҳам тирна,
Қай ёвузга пишон бўлдинг
Чўлоқ турна?..

Келдингми кир, осто нада
Чўчиб турма.
Бор экан-да пешонада,
Чўлоқ турна.

Бегонамас бу кўргилик,
Бошга тушган,
Менинг ҳам қоқ юрагимга
Тош отишган.

Биз тилмочеиз бир-би примиз
Тушунгаймиз,
Шароб ичмай, ака-ука
Тутингаймиз!

СОФИНЧ

Ялпиз ҳиди келар кокилларидан.
Севгилим, сеҳрли бир сўзга муштоқ.

Менинг кўз ўнгимда саратон, қишлоқ,
Қамишзор... қурбақа булбул у ерда,
Отам кетмоқ чонар қоп-қора терда.

Тоқчада мўлтираб турар гулларим,
Хушомад етаклаб келган қунларим.

Қуёш ботар аста улар ортига,
Ўйлайман тутзорни оралаб бу дам
Ҳоргин уйга қайтиб келмоқда отам.

Ҳоргин уйга қайтиб келмоқда отам,
Кўзлари киртайган, соқоли ўстани.

Севгилим кўнгилдан кечганин сезиб,
Кулар, лабга босиб бармоқларини
Кокили йўлимни тўсгани-тўсган...

Иисонни қаритар кўрган тушлари,
Софинчдан ўлади одам ўлганда.

Дунёниг энг шодон йигити бўлиб,
Яшардим бу улкан шаҳарда балки,
Енимда бесавод отам бўлганда.

Мени еру-кўкка ишонмас бу қиз,
Гуноҳим жуда кўп гарчи билади.
Жим тинглайверар-у, ёлгонларимни
Отами согиндим десам, кулади.

ЗОКИР БОБО ҲИКОЯСИ

Бизлар олис чегарадан
Чекиниб келдик.
Талефатли қуршовларда
Тўкилиб келдик.
Сафларимиз сийраклашиб
Ўкиниб келдик,
Ва Брестдан Масковгача
Сўкиниб келдик:
«Нима бўлган бошлиқларга
Хой Зокир, Иван?
Кремлда не ўй сурар
Энг катта бошлиқ?
Ўнгимда ёв, сўлимда ёв,
Ортимда Ватан-
Онам турагер нажотталаб
Кўзимга боқиб?
Тўхта!
Бир еўз ботиб қолди
Шунда томоққа
Ўрис, ўзбек, қирғиз, тожик
Қалқидик оёққа.
Ва онт ичдик, азим пойтахт
Остонасида
Баттол душман орқасини
«Силаб» қўймоққа...
Унутмайман ўшандаги
От-отларни мен.
Танк остида қолиб кетган
Жасадларни мен.
Кўксен билан дзотларни
Тўсиб қўйишган-

Она-юрга садоқатли
Солдатларни меп...
Қани бугун ёнимда у
Дўстлар бўлсайди...

Бир эсласам томогимдан
Сув ҳам ўтмайди.
Кўз ўнгимдан ўша олис
Кунлар кетмайди.
Қандай тирик қолдим ўзим,
Ақлим етмайди...

Ушутмайман бўсағада
Бўлган жангларни.
Булут бўлиб учиб кетган
Қору — чаңгларни
Қизил майдон узра парад-
Бизнинг тантана
Немис қилган илк пушаймон
Ва аттангларни...

Биздан олис шимол ёқда
Эса юлиб соч
Ленинград жанг қиласди
Оч ва ялапгоч.
Қор остида музлаб қолган
Мурдалар огоч.
Бизлар-чи, биз?.. Бизлаб қолган
Мурдалар огоч...

Қасос!
Бир сўз ботиб қолди
Шунда томоққа.
Баримиз бир жону, бир тан
Қалиқдик оёққа.
Ва онт ичдик, тўйиб-тўйиб
Боқмоққа эиди.

Рейхстагда ҳилпираган
Алвон байроқقا.
Киев... Харьков... Брест бир-бир
Ўтиниб бордик.
Вайрон бўлган юртни кўриб
Ўқиниб бордик.
Баримиз ўз тилимизда
Чўқиниб бордик.
Ва Масковдан Берлиигача
Сўкиниб бордик.
Унутмайман ўшандаги
От-отларни мени.
Европада қолиб кетган
Жасадларни мени.
Кўкси билан дзотларни
Тўсиб қўйишган-
Она-юрга садоқатли
Солдатларни мени...
Қани бугун ёнимда у
Дўстлар бўлсайди.
Бир эсласам томогимдан
Сув ҳам ўтмайди.
Кўз ўнгимдан ўша олис
Куилар кетмайди,
Қандай тирик қолдим ўзим
Ақлим етмайди...
Мен урушида оёғимни
Олдириб келдим.
Енгларимни шалвиратиб
Толдириб келдим.
Ўкинмайман, аммо чунки
Юрагимни мени,
О, муқаддас она-юргим,
Тилагигни мени-
Рейхстагда байроқ қилиб
Қолдириб келдим!

АНЖЕЛИКА

Эвакуация қалинган бир оила
бизницида яшаган. Она-бала
Белоруссиядан. Онасининг ис-
ми ҳозир ёдимда йўқ. Қизи-
нинг исми Анжелика эди...

Поезд даги сұхбатдан.

Қирғин жаңглар борар эди Магрибда,
Қачон тугашини билмаймиз.
Сифимизга бир қызы келиб қўшилди-
Сочи сунбул, кўзлари ялпиз.

Анжелика!
Отасини отишган.
Анжелика!
Үйига бомба тушган.
Шундай озғин,
Шундай озғинки,
Баргизубга ўхшатиш мумкин...

Менга қызлар ялиниади ҳар оқшом,
Юр, фашистни кўрганимикин, сўрайлик.
Кетдик дейман. Аммо билиб қўйинглар,
Анжелика ҳаммангиздан чиройлик!

Қалампирни ҳам мева деб ўйлади,
Узиб бер, деб кунда менин қўймайди.
Кунботарга қараб юм-юм йиглайди...
Анжелика ҳаммангиздан чиройлик!

Кунботарда ўқлар чақнар юлдуздек,
Жасадлар дор узра бўғотда муздек.
У ёқда укаси қолган тўрт ойлик,
Анжелика ҳаммангиздан чиройлик.

Туршакларга тўлиб кетар қўйинлар,
Қизлар тўхтаб қолар, ўйлаб кўрайлик...
Ўйлайверинг, аммо билиб қўйинглар,
Анжелика ҳаммангиздан чиройлик!..

Туилар кўчиб, зафар тоиг отар бўлди,
Чеҳрасига термуламиз — тўймаймиз.
Сифимиздан бир сулув кетар бўлди,
Сочи сунбул, кўзлари япиз.

Кубботарга елиб борар паровоз,
Бир қиз йиглар, хат ёзишиб турайлик!
Анжелика... ҳаммамиздан чиройлик.

ЮРАК БИЛАН СУҲБАТ

Соҳибдилим, нега кунда йиглайверасан,
Хиқ-ҳиқ йиглаб юрагингни тиглайверасан?..

— Кунда шу ҳол дўсти ҳалол, ҳайронман мен ҳам,
Ўпкам тўлиб кетар бир кун йигламай қўйсам.

— Хавотирдамисан, онаизорингданми,
Ё дўстнингдан куйгацисан ё ёрингданми?...

— Онам ўлган... бу иккиси жумбоқ мен учун,
Иккови ҳам фақат менга кўрсатар кучин.

Шундай дамлар йигламасдан ёзолмайман шеър,
Сенга нима, тўхтаб юриб, уриб туравер.

— Соҳибдилим, майлигию кўп йиглайсан-да,
Қараб турсам, ҳеч бир яйраб сен кулмайсан-да!

— Мен шунаقا йиглоқроқман, ҳамма билади,
Фақат... ўлсам йигламайман — уят бўлади.

* * *

Сен хат ёзма.
Үйга ҳам ёзма.
Ва ҳовлиқиб ёниигга шунда
Ўзи келар дехқон отангни.

Керишиб ёт тўшакдан турмай,
Аёзли тун уйқингни бузса,
Овози меҳрибон отангни...

Ўргасин. Кут. Пешонасида,
Тугмача бор (кўэми-нима?)
Боссин — қўнгироқча жиринглар

Эшикни оч эриниб шунда.
Музлаб қолган отанг қошига
Чиқ сўнг соглом, омон... ҳиринглаб!

ОРОЛ

Хаста ҳолинг, хаста ўйга ботурсан,
Бемажол, bemадор, беҳол ётурсан,
Додинг билан дунёни уйготурсан.
Кетиб қолма, Оролим!

Оқу қаросисан қаро кўзимнинг,
Юзларингга босиб яшай юзимни,
Сувинг қуриб, қуритмагил изимни,
Кетиб қолма, Оролим!

Дарёларинг келолмасдан йиглар зор,
Сенга мадор бўлолмасдан йиглар зор,
Балиқларинг кўзларида савол бор,
Кетиб қолма, Оролим!

Қиргогингда қовжираган далангман,
Тўлқинларинг титрогиман, нолангман,
Мен ҳам битта қақшаб қолар болангман,
Кетиб қолма, Оролим!

* * *

Баҳор ўтди
Ез ўтди сўлим.
Шерикман куз ҳаяжонига.
Қишлоққа ҳеч тушмади йўлим,
Боролмадим онам ёнига.

Боролмадим онам ёнига
Шеърларимни қилдим баҳона...
У сандалга кирди совқотиб,
Оппоқ қорда қолди Фарғона.

ОНАИЗОР

Кўнглим қолса булбулдан ҳам, гулдан ҳам,
Қолар бўлсан бир кун ахир тилдан ҳам,
Агар бир зот йигласа чин дилдан ҳам,
Онам йиглар, онам йиглар, онам у...

Сигмай қолсан шундай кенг бу жаҳона,
Осмонларга руҳим бўлса равона,
Жонсиз таним устида ҳам парвона,
Онам йиглар, онам йиглар, онам у...

Тинар бўлса қўлимдаги тор, дунё,
Уч кун ўтмай унугтай дўст-ёр, дунё.
Еру кўкин титратиб зор-зор, дунё,
Онам йиглар, онам йиглар, онам у...

Гулдай кулиб юрмасмиди, ўғлим деб,
Кўриб кўнглим тўлмасмиди, ўғлим деб,
Онаиг ўлса бўлмасмиди, ўғлим деб,
Онам йиглар, онам йиглар, онам у...

Кўнглим қолса булбулдан ҳам, гулдан ҳам,
Қолар бўлсан ахир бир кун тилдан ҳам,
Агар бир зот йигласа чин дилдан ҳам —
Онам йиглар, онам йиглар, онам у...

АҲМАД ЗОҲИР ҚЎШИГИ

Кўнгил деган бўстоним
Гуллари сўлиб кетди.

Қайдасиз, онажоним,
Юрагим тўлиб кетди.

Не дўсти меҳрибоним
Душманим бўлиб кетди.

Қайдасиз, онажоним,
Юрагим тўлиб кетди.

Булбул эди забоним,
Тиконлар тилиб кетди.

Қайдасиз, онажоним,
Юрагим тўлиб кетди.

Мен бошлаган қўшиқни
Қаргалар илиб кетди.

Қайдасиз, онажоним,
Юрагим тўлиб кетди.

Кун борми мендайларга?..
Сўрагим келиб кетди.

Ёвлар отган ёйларга
Курагим тўлиб кетди.

Қайдасиз, меҳрибоним,
Юрагим тўлиб кетди.

* * *

Яна қуёш чиқди,
Яна қуёш ботди.
Умримнинг бир кунин
Пойига отдим.
Яна ачинмадим,
Тирикчилик дедим,
Тиимадим...

Энди қандай ухладим.

Фонтанлар куйлади,
Мен қўшилмадим.
Ёвшанлар йиглади,
Мен ўкинмадим.
Дўстим аччиғлади,
Мен тушумадим...

Энди қандай ухладим.

Тепамда мўлтирас
Ой соҳибжамол,
Юлдузлар бошимга
Егилган савол.
Олис қишлоқ. Почта.
Қари опам лол...
Юзта қўшиқ ёздим,
Бир хат ёзолмадим.

Энди қандай ухладим.

Кўлтиқтаёғига
Суяниб бир чол,
Келаверди шопмай
Юзида малол.
Йўлим кесиб ўтди,
Кўнглим эзиб ўтди,
Меҳрим қўзиб кетди
Бир сўз демадим.

Энди қандай ухладим.

Даврим қулган даврон
Шул саодатим.
Ушалди ниятим,
Кулди омадим.
Лекин одатим-
Эртанги кунимдан
Йўқ хижолатим...

Энди қандай ухладим?

* * *

«Оламда нима гап» бўляпти.
Хира ёғду сочар телевизор.
Лайвонда шолчада бир бола
Ўлтирас чўнқайиб... кўйлаклари кир.

Ховлида ёмгирми томчилар,
Ховлида ҳар кунги юмушилар.
Момоси дарғазаб беарқон
Тарғил бузоқчасини муштлар...

Бузоқни қарғайди ҳарсиллаб,
Қозиқ ўқталади: «Бўйнинг узилгур!»
Айвончада эса бир бола
Ўлтирас чўнқайиб пшитоплари кир.

Оламда нима гап бўляпти.

ЁҚУБ МЕРГАН

Ёқуб чолга «Запорожец» беринмади,
Аризалар ёзиб борса кўришмади.
Кўргач эса кўрмагандек елка қисиб,
Кўнишмади...

Ёқуб чолнинг кўкси тўла орден эди,
Қайгаборса ўрни тайин тўрдан эди,
Нима дейсиз — икки уруш кўрган эди,
Берлинда суратга тушган мерган эди.

Биттагина оёги ҳам толдан эди,
Биттасини дўхтири кесиб олган эди.
Урушдан сўнг шундай бўлиб қолган эди,
Гурс-гурс қилиб юришлари ёлгои эди!

Бошлиқ чолга «Запорожец» бермади,
Аригалар ёзиб борса кўрмади,
Кўргач эса кўрмагандек елка қисиб,
Кўнмади...

Ёқуб чолниңграйсобесдан кўнгли қолди,
Ёқуб чолниңгбошлиқ-бездан кўнгли қолди,
Мендан, сиздан — ҳаммамиздан кўнгли қолди,
Машинасин бошқа олгир кимса олди.

Энди ул зот ялло қилиб юраверар,
Инвалидинг машинасин сураверар,
Уни кўрсан чол эсимга келаверар,
Фидираги юрагимни элаверар...
Ёқуб чолга бершимаган «Запорож»пинг!

ЭГАСИЗ УЙ

Бу эшик жимгина очилавермас,
Бармогинг узатсанг йиглар бу эшик.

Запг илгак суриса чўғдек бир савол
Юракка санчилар кўқракни тешиб:
Қаерда юрибсан, эгамнинг ўғли?..

Отаигнинг томида лолақизгалдоқ,
Отаигнинг уйида кўриимас бир жон.

Ана, кўмилмаган анор шохлари
Синар ва хўрсинар: умр — ўқилон,
Қаерда юрибсан, эгамнинг ўғли?..

Ким у, воҳ, энгашиб лойқа сув ичди
Ва уватга чўқди кўксини ушлаб,
Ва уватга чўқди кўксини ушлаб,
Кетмони чинцирар кесакни мунтлаб:
Қаерда юрибсан, эгамнинг ўғли?

Ким у, воҳ, қўлида тешиккулчалар:
«Набираларимга уйим Ватандир.

Ҳовлимни тўлдириб юришгай улар...»
Пўқлайди, бехуда йўқлайди сени
Онаизорингдан ёдгор бир тандир-
Қаерда юрибсан, эгамнинг ўғли?..

Бу ҳовли жимгина нурайвермайди,
Ҳар гишти кўчганда йиглар бу ҳовли.
Қаерда юрибсан, эгамнинг ўғли,
Қаерда юрибсан эгамнинг ўғли...»

УРУШ ЙИЛЛАРИНИНГ ЖОНОН ҚИЗЛАРИ

Қаҳрамон йигитлар урушга кетди,
Чўғ бўлиб ёндириб қолди излари.
Оловлар ичида бўйингиз етди
Уруш йилларининг жонон қизлари.

Муҳаббат, муҳаббат илоҳий маъво.
Сизга ёр васлини кўрмади раво.
Хатларга термулиб умрингиз ўтди
Уруш йилларининг жонон қизлари.

Қадекқўл юртимниң Зулайҳолари,
Дилбарлари, Дилдор, Дилраболари.
Йигидан қизарган шаҳло кўзлари-
Уруш йилларининг жонон қизлари.

Қорлар кечиб юриб кўсаклар терган,
Сепини тўи қилиб фронтга берган.
Йигит кўрган ҳамма балони кўрган
Уруш йилларининг жонон қизлари...

Замин минг айланса, айланса Замон
Яхшин яхши деган, ёмонни ёмон
Муҳаммад Юсуфнинг таисиқ сўзлари-
Уруш йилларининг жонон қизлари.

* * *

Меҳрим қаттиқ бўлди,
Қаҳрим қаттиқ бўлди,
Насиҳатни эса олмадим.
Ҳарифим суюнди, дўстим куюнди,
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Осоинш ботмади бирор-бир қуним,
Талашиб-тортишиб толмадим.
«Оғирроқ бўл, иним, сипороқ бўл, иним...»
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Тенгимни билмасдан бир қизни сўйдим,
Сўйдим сира кулмай омадим.
«Шоҳона яшардик сўзимга кирса...»
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Қувроқ бўл дейишди, ёлғон ҳам керак
Жиндек хушомад ҳам...
қулоқ солмадим.
Оқни оппоқ кўрдим, қорани қора,
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Кўнглим сезар, энди бу ёғи аён,
Дўстларим... дўстларим, баҳтли боламан,
Е Тошкентда энг зўр шоир бўламан,
Е уйимга кетиб, ариқ бўйида
Ялпизга суюниб ўлиб қоламан!

ХАЙРИГУЛ

Қирқ биринчи йилда ҳам ой тўлин эди,
Хайригул қиз саккиз куилик келин эди.
Юрагини юлиб кетди қизил вагон,
Кўнглим хижил, менинг кўнглим хижил, вагон...

Қизил вагон олисларда чўғдек порлар,
Паровозиниг йўлларида ёнар қорлар.
Бу йўл ҳижрон, бу йўл ҳижрон — йўли ҳижрон,
Икки бети чинорлардан баланд дорлар.

Мардлари бор элиниг боши эгилмайдур,
Номард қони қирқ йилда ҳам қўшилмайдур.
Юрагим эзилиб кетди, қизил вагон,
Кўнглим хижил, менинг кўнглим хижил вагон...

Уруш ўлсии, кулча нондек кўнгил синди.
Кўнгилдаги сайраб турган булбул тинди.
Кўздан ёш қўйилиб кетди қизил вагон,
Қизил вагон, қўйини тўла ўғил вагон...

Қирқ биринчи йилда ҳам ой тўлин эди,
Хайригул қиз саккиз куилик келин эди.

ОТА

Юсуф отага

Армоним бор, бу дунёда армоним бор,
Қоқ далада ўтлар босган ўрмоним бор.
Қизгалдоқдай бошим эгик бу маконда,
Ешин яшаб ўтмаган отажоним бор.

Ота десам, бағри-дилим ёнаверар,
Куним ёнар, ойу йилим ёнаверар,
Мозорига қўйган гуллим ёнаверар,
Тутунларга тўлиб кетган осмоним бор.

Эсаверсин жаннатлардан келган насим,
Момо еrim, ўзингеан энг муқаддасим,
Багрингда жим тинглаб бу кун жон нафасим
Руҳимни аллалаб ётган жаҳоним бор.

Одам бўлиб бир одамии тушумаслар,
Кўзингда ёш кўриб ҳам тоҳ ўқинмаслар,
Босгап изим пойлаб юрган эй, нокаслар,
Қабрдан қўл чўзиб турган қалқоним бор...

Мен отамдан қолган эркин садо-сасман,
Қонимга ёт наволарга қайрилмасман,
Ўлгунимча энди ундан айрилмасман —
Ўз отамдек бўлиб қолган имоним бор.

Армоним бор, бу дунёда армоним бор,
Кенг далада гуллар босган ўрмоним бор.
Қизгалдоқлар бош эгиб қон йиглаб турган
Бу маконда менинг ҳам нуржаҳоним бор.

БИР КУНИ

Бир куни,
Бир алвон
Замон келади,
Замин узра
Омон-омон бўлади.

Ўн йилми,
Юз йилми ўтиб орадан,
Урушлар,
Низолар кетиб орадан,
Тўплар
Адирларда бугдой ўради,
Танклар
Далаларда пахта теради.

Миллатлар,
Элатлар,
Оқ таи, қора таи
Ҳаммаси
Ҳазрати инсон бўлади.

Оlam гулистон бўлади
Бир куни...

— Шоирлар-чи, бобо,
Шоирлар нима бўлади?
— Шоирларниң шодликдан
Юраклари ёрилиб ўлади!

БИР КЕЧА

Бир кеча бехосдан уйгониб кетсам,
Йиглаб ўтирибди юрагим юм-юм.
Чўчиб турдим: сенга нима бўлди, эркам,
Нимага йиглайсан,
Мен нима қилдим?..

Уидай десам бўлмас,
Бундай десам қўимас,
Чекдим. Чиқиб сокин ҳовлини кездим.
Ҳамма юлдуз сўнди. Бир юлдуз сўнимас-
Кўзимга мўлтираб турар илк севгим.

Юлдуздан ҳам олис, о сен буюк ғам,
Бугун ўзинг ўйқсан фақат ёнимда.
Ҳижрон куйин чалиб қон ўрнида ҳам
Армон айланади жони-танимда.

Ўйлайман, ўйлайман, ўйларим узун,
Қўлим қисқа, севгим, бўйларим узун.
Энди сен мен учун энг узун эртак,
Энди мени ёмон қийнар бу юрак!..

Чекаман. Тутунга тўлади хона
Илк севгим мўралар тўрт бурчагиндан.
Мен далли, юрагим мендан девона
Ётмайман деб йиглар партўшагингда.

ТУЛКИ

Алдаманг, кўзингиз айтиб турибди,
Сиз ёмон кўрасиз мени, биламан.
Менинг ҳам ихлосим қайтиб турибди.
Шу палла сиздан...

Эшитдим, жангари тоглик экансиз,
Мен дехқон боласи, жуссам ҳам ориқ.
Бошлинг мен тайёрман,
Кўчса — кўчсин муз,
Яшасин дилдамас тандаги оғриқ!

Димоғингиз кўкка теккан юкеалиб
Мақтаниб кўкракка қоқиб юрасиз.
Ўзбекнинг ҳаммаси бир отадан деб,
Ўзбекнинг уйини ёқиб юрасиз.

Ег томиб турган шу фахш юзингизга
Тупурдим барчанинг йигиб нафрatin.
Тупурдим дунёда сиз қанча қизга
Олайган бўлсангиз шуңча бор бугун.

Темир бўлмайдими муштингиз бу он,
Кўзимдан сачраган чўғларга балли.
Кўйлагим енгига тушган томчи қон,
Қон бўлган юракка бўлсин тасалли.

Кетди у бурилиб, тулкидай пусиб,
Ана, бораётир ликиллаб думи.
Бир савол занжирдек бўғзимни қисиб,
Хафа бўлиб кетдим: душманим шуми?

... Сизга ҳам йўлиқса гоҳи-гоҳида,
Уришиб ўтирманг тулкилар билан.
Урмангу сўкмангу уни тогига
Кузатиб қўйинг, бас, кулкилар билан.

* * *

**Онажон,
Онажон,
Юрагим огрир.
Билмадим нимага қийнайди мани.
Мен дехқон боласи эдим-ку ахир,
Наҳот шунча нозик бўлса бу жоним?..**

**Энди-ку ухламай ўйлар сурмайман,
Согинеам дунёда соғинганим сиз.**

**Огрир,
Огрийверар юрак билмайман,
Нера оғришини айтмас ҳам иблис.**

**Ё севиб қолдимми,
Бу мумкин эмас.
У мендан безор,
Мен ундан безорман.
Мұхабbat деганин қилмасман ҳавас,
Шундай ҳам бу узун Йўл тўла армон...**

**Онажон,
Онажон,
Юрагим огрир,
Гўё кимдир уни тиг билан тилар.
Кечалар елкамга темирдек оғир
Қўлларин қўяру кўзимга тикилар.**

**Ким у?
Қайдан билай.**

**Мен танимайман.
Бобомнинг арвоҳи ўша зот балки:
Уйимнинг чирогин ёқмай болам, сен
Қаерда,
Қаерда юрарсан сапқиб?!**

**Қишлоққа кетаман,
Тонг отса бўлди.
Қуёш, уйготиб қўй мени эрталаб...
Юрагим,
Юрагим оғримай қўйди,
Эҳ, қалбни бир ўчиб бўлмас эркалаб!**

ЎТИНЧ

Эркаклар ташвиқот қилди тинмасдан,
Ҳар хил мақолалар йигаверишди.
Газета ўқишига қўли тегмасдан
Хотинлар йилига тугаверишди.

Журналистларга-ку мавзу топилди:
Ҳамма тугаверса ким қилас ишни?!.
Пилла топширилди.
Ғўза чопилди.
Аёллар йилига тугаверишди.

Олимлар ўйланди.
Ўйларга толиб,
Китоблар титишди чўк тушиб олиб.

Қўймоқчи бўлишди режага солиб...
Аёллар йилига тугаверишди.

Кимдир ваҳма қилди қай куни ёниб:
Бола босиб кетди бутун дунёни!..
Барибир минг азоб ичра тўлгониб,
Аёллар йилига тугаверишди.

Агёр тўлди қўйни томига, дейишди.
Тили бошқа, кўнгли бопиқа, дейишди.
Ўнта бўлса — ўрни бошқа дейишди,
Аёллар йилига тугаверишди.

Чирқираб Шокирлар дунёга келди,
Барнолар, Ботирлар дунёга келди.
Шу мўмин юрт учун керак бўлганда
Ўлмоққа қодирлар дунёга келди.

**Келишди кимгадир ёқса-ёқмаса,
Ҳали тили чиқмай пахта теришди.
Кучук боқинисинми, бола боқмаса?!.
Аёллар йилига тугаверишди.**

**... Балки сен осмондан тушгандирсан ҳам,
Майли, билма қадрин, етма додига.
Фақат бир илтимос, эй азиз одам,
Қўйғил, қанча тугса ўзи билар, сен
Туғишини ўргатма Аёл зотига!**

ҚОДИР

Марҳаматлик дөңғон йигит—
Қодирни тўза энди ҳосилга
кирган маҳал машина уриб
кетди. У ҳушига келганда ик-
китагина қовурғаси соғ қол-
ган эди... Хотини лўппи бўлиб
очилган даласидаги паҳтани
ҳашарчилар териб олишаётгани-
ни айтганида Қодирнинг кўзи-
дан бир томчи ёш гилдираб
ёстиққа тушди.

Қодир, қандай экан яшамоқ бахти?
Гоҳ уриб, гоҳ тиниб турганда юрак.
Ўзи билдирмаса меҳрибон доктор,
Кўзи айтиб турса: ўлсангиз керак...
Ўзича сигинар юртига ҳар ким.
Бирор уруғ сочар, бирор уй тиклар.
Юмуш билан бўлиб, сен ўлсанг, балки
Билмай ҳам қоларди марҳаматликлар.
Эшитдим. Жонимни авайлаб мен ҳам,
Қайдадир юрардим лолалар териб.
Кўздан дув ёш келди гулга энгашсам,
Огрийверди саншиб манови ерим...
Ўзича сигинар юртига ҳар ким.
Сочлари жингалак, юzlари силлиқ,
Учар оғайнилар мансаб илинжида,
Креслоларга қилишар қуллуқ.
Севги изҳор қилар таниозларига,
Суратга тушади бўйдор, баҳодир.
Лекин мен биламан, агар кўреатмасин,
Бир мушкулот тушса юртим бошига,
Кўкракни тутмоққа агёр тошига
Майиб дўст, мажруҳ дўст — ўзингсан, Қодир!
Ҳаммасини билиб яшамоқ оғир,
Субҳи содиқ кўриб дўст юзида ранж,
Қўлингдан ҳеч нарса келмай шеър ёзмоқ-
Онангни алдашдек осон ва жирканч.

МАРУХ ДОВОНИ

Черкас чўпони Муродин Кўчкоров 1962 йил кузидаги Фарбий Кавказ тизмаларидағи Марух довони музликлари орасидан совет жангчилари жасадини топиб олди. Муз устида, тошлар орасида қотиб қолган бир взвод жангчилари орасида 17 миллат вакили бор эди. Улардан бирининг фамилияси Муҳиддинов эканлиги аниқланди.

Жангчи ўлди,
Кўкрагида қўрғошин,
Кавказ тогларида
Жасади қолди.
Ингирма йилдан сўнг
Суякларини
Черкас чўпон
Муз ичидан
Топволди...
Ўзбек эди
Қоракўз эди
Оти-
Саттормиди-
Содиқмиди,
Сотволди...
Ҳеч ким билмас,
Билгани — уни тогдан
Черкас чўпон
Муз ичидан
Топволди...
Балки ёлгиз
Болангиз эди сизнинг,
Отангиз ё
Огангиз эди сизнинг.
Юз йил тинмас

Нолангиз эди сизнинг,
Ери эди
Ё бир умидвор қизнинг,
Дунёда энг тўзал,
Вафодор қизнинг;
Ўтга сакраб, чиқди
Ичидан музнинг...
Черкас чўпон
Муз ичидан
Топволди.
Қирқ йилки ким
Тиёлмаса кўз ёшин,
Йиглаб сим-сим
Тиёлмаса кўз ёшин,
Кўролмаса кўкка боқиб қуёшин,
Тоқقا чиқсин
Тошлиарга қўйиб бошин,
Этилмаган бошлиарга қўйиб бошин,
Етган экан кўкрагида
Қўргошин...
Черкас чўпон
Муз ичидан
Топволди.
Сиз ҳам, Ватан,
Ватан деб кўпиргаплар,
Содиқ ўғлинг
Менман деб гупиргаплар.
Минбардан
Ваъз айтиб,
Кўкрак кергаплар,
Туморлармас
Асраган жонингизни,
Кўриб қўйинг,
Бу кун имонингизни,
Черкас чўпон
Муз ичидан
Топволди...

ҚИШЛОҚДА

Бу ерларда сал тортиниб тур,
Бу ерларда кўкракин керма,
Юлдузларга осилма, шоир,
Осмонин ҳам мақтайверма.

Бу ерларда куйлама — тингла,
Ўсмай қолсанг — уволинг менга.
Атиргуллар назокатини
Куйлайверсин тўргайлар бунда.

Тамаки торт, хўрсин хаёлчан,
Юзинг оппоқ, кўйлагинг оппоқ,
Қўлларингни соябон қилиб,
Жазирама далаларга боқ.

Ана, қара гўза сугорпб,
Деҳқон ҳориб жўяк бошида
Яккатут пойига қулади.

Жуда қўлнинг қичиса, бориб,
Қаламингни қовургасига
Теккизиб ол... ўткир бўлади!

* * *

Юзга ажин тушди,
Сочга қицов инди.
Болалик-да қолиб кетди шўх.
Қолиб кетди қанча яхши кунларим,
Орқага қарашиб йўқ...

Қилган хатоларим ўзимга аён,
Хотира — изимдан тушган дайди ўқ.
Мен кимни унутдим,
Кимлар менидан тонди...
Орқага қарашиб йўқ.

Сўнди қанча яхши тилаклар.
Сўнди ҳайрат — юракдаги чўғ.
Кетдик қалбим,
Кетдик қадрим... кетдик
Орқага қарашиб йўқ.

Анов ким деб сўрашиб йўқ.

ИСТАК

Шотут соясида бешик бозори,
Саҳарлардан раийҳон ҳиди анийиди.
Бешиклар тебратиб bogчахотин йиглар:
Биттагина ўглим бўлса, майлийди.

Сарин сабо эса қўшиқлар айтар,
Майсага ёнбошлиб тинглар шудринглар.
Оқ шийлон ортидан мўралар офтоб,
Ҳей, қизлар, туринглар!

Чумоли ёпишар ялпиз баргига,
Ирмоқ унга сувлар сочиб ҳиринглар.
Бригадир иланни ўйлаиди хуноб:
Ҳей, қизлар, туринглар!

Эй менинг, хаёлим сулув, моҳитоб,
Ўзимга саволим, ўзимга жавоб,
Босган қадамлари кўзимга тавоб:
Ҳей, қизлар, туринглар!

Ҳей, қизлар, туринглар,
Тўлдириб юринглар Ўзбекистонни,
Истайманки, доим порохлар эмас,
Сизларнинг аллангиз тутсин жаҳонни!

ЛЮБА ШЕВЦОВА

*Люба Шевцова ўлими олдидан
онасига бир энлик хат ёзиб
циқарган: «Алвидо ойигинам!
Қизинг қаро ерга кетди...»*

Жуда сипо сизнинг рўйи — чеҳрапгиз.
Ҳамма даврада ҳам кулавермайсиз.
Мезонин биласиз ҳар жойда, лекин
Люба Шевцовани билмайсиз.

Ўриб кўрмагансиз кокилингизни.
Қошингизга ўсма қўймайсиз.
Гўзалсиз — тараф йўқ, моҳитоб, лекин
Люба Шевцовани билмайсиз.

Санъатни севасиз. Соатлаб ғамгин
Бўёқлар раигига боқиб тўймайсиз.
Алвон камалакни билмайсиз, лекин
Люба Шевцовани билмайсиз.

Дутор дастасидек толма белингиз,
Фақат «Бари гал»га ўйнайсиз.
Дунёда сиз билмас қўшиқ йўқ, лекин
Люба Шевцовани билмайсиз.

Сенинг ёринг бўлеам, дея бўйлайсиз,
Вафодоринг бўлсан, дея ўйлайсиз,
Садоқат сабогин билмайсиз бироқ,
Любовь Шевцовани билмайсиз!

Люба Шевцовани билмайсиз.

* * *

Баҳорда кўп оғир,
Қиқирлаб туреа
Тиззангга суйкалиб лолақизғалдоқ
Бегубор ёшлигинг ўтган жойларда
Қўлтиқтаёқ билан ҳаккалаб юрмоқ.

Ялангоч новдалар пицирлаб турса
Кузда, сукунатга чўкканда чорбог.
Кўп оғир, ишдамай кетиб бораётгани
Мўмин турналарга боқиб ўй сурмоқ.

Кўп оғир, бегубор қорлар ёққанда
Қишида, дала-даштга қўнганида туман,
Сотқинга тегмаган ўқни сийпалаб,
Урушин эсламоқ сандалдан чиқмай
Хунук ва вафодор хотининг билан...

ИЛТИЖО

Кунлар ойга, ойлар йилга айланар,
Айланади чархи бешафқат,
Гули хас, гүнчаси гулга айланар
Жон ота, сен
Қарима фақат!..

Ким қонибди иеъматига?— бу ҳаёт.
Ўтган куниң қандай этиб бўлар рад.
Аммо бўлса, бу дунёниң гаштига
Жон ота, сен
Қарима фақат!..

Ешиңг фалон дерлар — кимда ганим йўқ,
Ғанимеш зам хато ёзув, хато хат.
Ҳайқир ота: бунчага кирганим йўқ,
Тон ота, сен
Қарима фақат!..

Ким қонмаса иеъматига, бу ҳаёт
Ўтган куниң этса бўлар рад.
Юрганча юр, турганча тургин
Осмон, ота, сен
Қарима фақат!..

ИҚРОР

Шоирлик мен учун асло орзумас,
Шу ҳам иш бўлдими йигит бошимга.
Ҳамма шоир зотин йигса — арзимас,
Онамии сөгишиб тўккан ёшимга.

Ана, улар қилар булбулларга дўқ:
Эй қуш, бу bogларнинг мен булбулиман!..
Шоирлар билан ҳеч ошиолигим йўқ,
Мен ёруг дунёда кўиглим қулиман.

Аммо юрагимни қийнап бир азоб,
Кўй десам қўймайди, тутқазар қалам.
Мен кетмон сўрасам — тутади рубоб,
Куйлайман жонимдан ўтганда алам.

Осмонга қарасам кўришар тупроқ,
Майсага термулуб ойни кўраман.
Бу қандай кўргилик, билмайман ўртоқ
Мен қачон далада бугдой ўраман!..

Шоирлик мен учун асло орзумас,
Шу ҳам иш бўлдими эркак бошимга.
Ҳамма шоир зотин йигса — арзимас,
Үйимни сөгишиб тўккан ёшимга.

Ана, улар салқин хиёбонларда
Энтишиб ёзишар келажакка хат.
Оқибат ҳақида ҳайқиришар ва
Абдулла Орифин қилишар гийбат...

**Бўлди.
Шеър ёзмайман.
Мен энди одам,
Оддий одам бўлиб яшай бошлайман.
Кўнглимга ачиниб агар ёзсан ҳам,
Тунда ёзиб, тоигда ўтга ташлайман!**

БРИГАДИР

Туни билан сувчиларга қарашди у,
Энгашиб ҳар гўза билан сўрашди у.
Юлдузлар ҳам ёниб бўлган тонгда эса
Елкасидан ерга михлаб қўйди уйқу...

О, толиққан жонга дармон қир этаги!
Кесак — болиш, кўрпа бўлди кир этаги.
Ариқ унга алла айтиб чулдиради
Ва бир зумда ухлаб қолди... ҳа, ўзбагим.

Ўзбегимнииг уйқуси ҳам ўзидек жўн,
Ботмайди ҳеч — тупроқ унга пахталик тўн.
Дўпписини кўкрагига босиб олган,
Ҳумо қуши, тонгда келиб бошимга қўп.

Келди тонгда, Ҳумо қуши — семиз раёном.
Қарасаки, қотиб ухлаб ётар акам.

Мажлис, мажлис, мажлислар ҳеч бўлмас тамом,
Нотиқларга тўлиб кетган заллар — ҳаммом.
Куппа-кундуз ухлаб ётар, бу қандай гап?..
Бири қўйиб, бири олиб чалишар жом.

Сўнг мажлисларни шийлонларга суришар,
Бригадирни партиядан ўчиришар.
Ўттиз йиғлик ганимлар шод қийқиришар,
Ўттиз йиллик дўстлар эснаб ўтиришар...

У кечаси сувчиларга қарашганди,
Лойлар кечиб, уватга нур тарашганди.

ЭПАСОЙНИНГ БУГИЛАРИ

Тошкент-
Туарар жойим
Болаҳона эди,
Бир бурчаги ўрин,
Бирин китоб бари...
Менга тинчлик
Бермай қийнап
Мана, эиди
Тушларимда
Эпасойнинг бугулари.
Айтматовга
Хатлар ёздим,
Жавоби йўқ.
Шеърлар ёздим
Босишмади,
Ҳисоби йўқ.
Мухаррирга
Борсам қоши
Үюлади,
Кўрамиз дер,
Кўрмас,
Ташлаб қўйилади.
Менга-
Ҳасад
Қилишгандек туюлади...

Ўғлим шонир.
Онам еру кўкка
Сигмас.
Тонгда ишга,
Оқшом чопар

**Фолбин сари.
Бирор билар,
Бирор кулар,
Бирор уқмас —
Тушларимда
Энасойининг бугулари.**

**Бир кун ахир
Рост сўзини
Айтди бирор,
Бир бўғиндаи
Оз сўзини
Айтди бирор.
Айтмай қилган
Иоз сўзини
Айтди бирор...
Тупроқ йўлдан
Чўглар босиб
Қайтди бирор.
Бу дунёнинг
Ширин дарди
Шеърлар экан.
Менга забон
Берган манов
Ерлар экан...**

**Қоним унинг
Ҳаяжони,
Туйғулари,
Қулгилари,
Кайгулари,
Иигилари,
Тушларимда-
Энасойининг бугулари...**

Айтматовга
Хатлар ёздим,
Жавоб келди.
Шеърлар ёздим
Ҳисоби йўқ
Китоб бўлди.
Муҳаррирлар
Борсам қучоқ
Очишади,
Ўқиймиз дер,
Ўқимасдан
Босишади.
Менга-
Ҳавас
Қилишгандек боқишади.
Фолбин кампир
Айтганлари
Ёлғон бўлди,
Ёмон бўлди,
Бир қишлоққа
Достон бўлди.
Ҳузурига
Ўша оқшом
Онам шошиб,
Қўли қуруқ
Борган экан,
Армон бўлди...

Армоним кўп
Бу дунёда
Ўзимнинг ҳам,
Давоми кўп
Сизга айтар
Сўзимнинг ҳам.
Дилини ёқиб,
Тилга чиқмай

Қолганларин,
Қўшигимга
Бу кун сиғмай
Қолганларин,
Айтсин барин,
Айтсин барин,
Айтсин барин-
Тушингизда
Эпасойнинг бугулари!

ОРИЯТЛИ ОДАМ

Ориятли одам, душманларинг кўп,
Эстрада кўриб кўнглинг эзилар.
Саҳнада олифта йигитлар бир тўп
Гоҳ она тилингни масхара қиласар...

Кассирлар мудрайди аэропортларда,
Бўм-бўш самолётлар йиглаб учади.
Тарсиллаб ёпилган даричаларда
Орият қадрингнинг қонин ичади.

Камиирлар мўлтирас ёшлиари нақ юз,
Ундан ҳам ўтгандир, қайдан биласан.
«Рецептсиз бермаймиз!
Рецептсиз бермаймиз!..»
Тошюрак сотувчи қиз сенга душман.

Ҳатто уйнингда ҳам бир душманинг бор-
Телевизор. Синдиригинг келар гоҳида.
Кечалар бир одам — тулкидай айёр,
Сафсата сотади имон ҳақида.

Ҳириплар гийбатни қийган шоввозлар,
Кўз тушса юзларинг бужмайган токдир.
Кейин лўттибозлар,
Кейин қогозбозлар,
Кейин инфаркт... кейин — яшасин, доктор!

Хайрият, улардан душмапларинг йўқ,
Тинмайди дунёда бир собит қадам.
Ўжарсан, қайсарсан аммо кўнглим тўқ,
Сен узоқ яцайсан эй, яхши одам.

Чунки ориятинг кучли,
Орият-
бу ҳам жуда гўзал шеърият!..

* * *

Ёлгон ёмон дерлар,
Хушомад ёмон.
Ёмонликниг бари ёмондир, бироқ.
Менимча дунёда энг катта гуноҳ-
Согимай яшамоқ...

Тилга келганини айтаверамиз,
Суриштирмаи ростдир, ёлғондир бироқ-
Менимча дунёда энг катта гуноҳ-
Қариқиз ҳақида гийбат тўқимоқ.

Ким бу шеърни ўқиб ошкора қулса,
Бечоралар ичра бечора, билса...
Менимча дунёда энг катта гуноҳ-
Ҳиринглаб шеър ўқимоқ...

АЛВОН ГУЛЛАР

Ватан менга ўша ҳур қишлоқ
Ва қалдиргоч йўқлаб келган беҳисоб
Апов томлар узра ҳилпираб турган
Алвон гуллар — исми инқилоб.

Жасоратдир оқ дур тўла ҳар чаноқ,
Тракторлар — «Аврора»лар бессапоқ
Ва штурвал қучган ўша моҳитоб
Турсунойлар исми инқилоб.

Кузги пайкал — жазирама саратон
Ва елкага ботган минг игна — офтоб.
Дўлда қолган кўчатига ачиниб,
Ҳўнгир-ҳўнгир йиглай олган азамат
Бригадирлар исми инқилоб.

Ватая менга шу алвон диёр
Ва чангин ҳам айлаб жонинга тавоб,
Беланчакда ётган анов қоракўз
Болакайлар — исми инқилоб.

Ва Ленинга энг содиқ одам,
Менинг деҳқон отам,
Исми инқилоб!

КЕТИБ ҚОЛДИМ..

Кетдим уйдац, кўимай қийнов-қистовга,
Дедим:— Она, айтиб қўйинг ановга.
Момосини кўрсатаман агар у
Мен йўғимда тегиб кетса биронга...

Нима қилсан шеър ишқида қилдим мен,
Шеъримни деб йигладим мең, кулдим мен.
Орзуларим осмон қадар бўлса ҳам,
Мендан шоир чиқмас экан билдим мен.

Билдим, илҳом излаб шому саҳардан,
Шеър азоби ёмон экан заҳардан.
Юрагингда бўлмаса гар шоирлик,
Наф йўқ экан ҳар қанақа шаҳардан.

Аммо уйга қайтай десам, биз қолиб
Гулдай қизин қучогига муз солиб,
Тишларимни қайраб бугун қишлоқда
Қўшни турар қўшиғига туз солиб...

Момосини кўрсатаман келса деб.

МАДИНА

Мадина, Мадина, нега йиглайсан,
Менинг асал қизим, қачон ухлайсан?
Иситманг тушмади, тополмадим дори,
Тинмади чақалоқ жонингниг зори,
Ярапимас яшамоқ иокасга ёлвориб,
Чида, ёргуғ тонгии кутамиз, қизим,
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим...

Сен йиглоқ тугилдинг, мен ёзолмадим,
Езган шеъримни ҳам ўтказолмадим.
Аммо ишон ахир, булбул юрагим,
Мен уни бекорга ўтга солмадим,
Бу ёргуғ дунёда менинг қолар изим,
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим...

Иккала қўлимда сенинг бешигинг,
Кўнглимда қўзингдек шаффоф қўшиғинг.
Тунларимга наво қайтар куним бор,
Сенга ардоқ сўзим айтар куним бор,
Қалбимни шудгордек ҳайдар куним бор.
Йиглаб ёздирмасаңг айланай ўзим,
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим.

Шонр шуидай кўпки, уларга ер тор,
Ҳаммаси машҳур ва ҳаммаси номдор,
Улугвор, уларга етмоқ кўп душвор,
Аммо улар ойга босиб юзини
Турганда, осмонии бағрига илк бор
Биз олиб боргаймиз тунроқ иенини,
Гулдай димогига тутамиз, қизим,
Биз ҳали ҳаммасидан ўтамиз, қизим!..

Биз ҳали ҳаммасидан ўтамиз, қизим,
Йиглаб ёздирмасаңг айланай ўзим.

ЎЗБЕКФИЛЬМ

Архивларда қолди Тоҳири Зуҳро,
Бўлак нимаинг ҳам бор десам: қўрларинг.
Соқол бўяш билан бапдми энди ё
Ўртоқ «Ўзбекфильм», режиссёrlаринг?..

Богларга бурканди янтоқзор ерлар,
Тошлар-да гуллади, сен ўтганмадинг.
Юртимнинг юзидан ёғилган терлар
Денгизга айланди, сен ўзгармадинг.

Темирлар йиглади, симлар йиглади,
Кесаклар куйлади — бир ўйланмадинг.
Тугади Сабрининг барча муҳлати,
Бардошлар тугади — сен ўзгармадинг.

Увонлар жаранглаб увонга тегди,
Димоқлар юксалиб осмонга тегди.
«Ўзбекфильм», чўпчагинг жонга тегди.
«Ўзбекфильм», чўпчагинг жонга тегди.

Ўзбек диёри бу — беноён дала,
Дала тўла шийпон. Шийпон тўла бола.
Кўнглига боқмадинг унинг бир бор-а,
Энди бор, бор ўзинг кўзига қара.

Кўрдингми?
Уялиб бошини эгди.
Кетмонга суюниб, бошини эгди.
«Ўзбекфильм», чўпчагинг жонга тегди,
«Ўзбекфильм», чўпчагинг жонга тегди...

**Йиллар кутмайдилар.
Йиллар — учган ўқ.
Наби Раҳим қарир,
Шукур Бурҳон йўқ...
Қўйнинг тўла ҳикмат, қўйнингга қўл чўз,
Уртоқ «Ўзбекфильм», халқинг кутар еўз!**

ДҮППИ

Дўппи киймай қўйди одамлар,
Бир шоир, бир иосирдан бошқа.
Сочлар силлиқ,
Силлиқ қадамлар,
У оғирлик қиласити бошга...

Рост дўпилар,
Ёлғон дўпилар,
Киноларда қолғон дўпилар.
Чуст дўпилар,
Анжон дўпилар,
Мунҷоқдек Марғилон дўпилар...

Дўппи киймай қўйди одамлар,
Бир шоир, бир иосирдан ўзга.
Мен ҳам сизга бердим саволлар,
Шляпами бостириб кўзга.

Дўппи киймай қўйди одамлар,
Кўнгил эса кўрмоқ тусайди.
Маданият гуллаган дамлар,
Каллага эътибор сусайди.

Дўппи киймай қўйди одамлар,
На уйида ва на кўчада.
Миртемирлар, Гафур Фуломлар
Ечган дўппи қолди токчада...

Бу қандайин кўргулик, савдо,
Дўппи киймай қўйди халойиқ?
Бошга лойиқ дўппи йўқдир, ё
Бош қолмади дўппига лойиқ!

* * *

Ҳайрон менинг собиқ синфдошларим
Сенга не етишмас, дейди кулишар.
Ўзларича тушунгандай бўлишар,
Үйларига таклиф қилишар.

Ўйларига таклиф қилишар.
Меҳмон бўламан бир-бир барини.
Чекамиз. Мақташга тушамиз кейин
Кўрмай олган хотинларини...

* * *

Мен эртаклар ўқиб тунлари,
Юрагим қон ўйга толардим.
Йиглаб-йиглаб ёстиқларим ҳўл
Саҳарлари ухлаб қолардим...

Мен эртаклар ўқиб тунлари,
Тилларимни тишлаб қолардим.
Қалтироқлар босиб танимни
Деворларни муштлаб қолардим...

Билар эдим ҳаммаси ёлгон
Билар эдим — уйдирма бари.
Ениб кетардим,
Ишониб кетардим—
Мен эртаклар ўқиб тунлари!

... Дардларим кўп. Айтотмадим ҳеч.
Сенга азиз дўстим, ҳамхонам.
Кундузлари бўлмади йўлаб
Юмушиларинг қилдинг баҳона.

Айтотмадим тунда ҳам дардим
Ишонмадинг. Ўйларга толдим...
Йиглаб-йиглаб ёстиқларим ҳўл,
Тонг отгунча ухлай олмадим...

СИНГЛИМГА МАКТУБ

Қачон хат ёзгандим сенга, билмайман.
Қоғия билан банд бугун топш кўнглим
Елгиз ақаңг бўлиб,
Енингда юрмайман...
Кечир мени, синглим.
Кечир мени, синглим.

У ёқда шотутлар
Тўкилар сувга,
Қовунлар ёрилар,
Сен йўл қарайсан.
Тупроқ кўчаларда,
Муштоқ кечаларда,
Ез — мени соганиб саргайган майса.

Умримни юлқилаб,
Иилларим ўтар,
Юрак йиглайдиу,
Айтмас дардини.
Мен шеърим қўлтиқлаб,
Кун бўйи излайман,
Адабий ходимнинг битта мардини.

Бирига қандайдир туроқлар дастак,
Бирин ўйлантирас ҳали ёшлигим:
Нега бу шеърингиз отлар ҳақида,
Уларни ёқтирмас менинг бошлигим!..

Гоҳ тўлиб кетаман,
Қандай гап ахир,
Қўйигил мени дейман эй, ширин азоб.
Қуёшга термулай,
Ерга босай бағир,

Қўшиқлар куйлашга бошқа одам тон...
Яна қайса руҳим
Жонимни чўқир,
Ез дейди,
Сингилжон қўрқай нимадан?..
Энг гўзал шеър-
Сенинг ёрилган қўлинг,
Ҳамма бошлиқларниңг
Бошлиги — Ватан!..
Қайдан келди менга бу дард,
Билмайман.
Юрак йиглайдио,
Айтмас арзини.
Шеъримни қўлтиқлаб,
Кун бўйи излайман
Адабий ходимининг битта мардини.
Бирига қандайдир туроқлар дастак,
Бирин ўллантирар индамаслигим:
Нега бу шеърингиз ҳижрон ҳақида,
Қайгуни ёқтирмас дейди бошлиғим.
Кейин яна шотут тўкилар сувга,
Беҳилар ҳидига тўлади хонам.
Айвонда,
хирмонда
Анжон томонда
Куз — мени согиниб сарғайган онам-
йиглайди,
бу йил ҳам
келмади, болам..
Қачон хат ёзгандим, сенга
Билмадим.
Қоғия билан банд менинг тош кўнглим.
Елғиз аканг бўлиб,
Енингда юрмадим...
Кечир, мени синглим,
Кечир, мени синглим.

* * *

Елиадан сиргалиб кундузги
ташвиш,
Елқадан сиргалиб кўрпалари-да,
Супачада ухлар эркак ва аёл,
Егоч бешик ўрталарида.

Хўроллар баётин авжи тонг отар,
Сўйимли нигоҳи эркаларида,
Нонушта қиласи эркак ва аёл,
Егоч бешик ўрталарида.

Қайдадир трактор гувиллар, тагин
Топган-тутгалари ўрталарида,
Далага жўнайди эркак ва аёл
Егоч бешик слкаларида...

* * *

Ой юзидан нур ёгди сим-сим,
Юр муҳаббат, кетдик бу ердан.
Ширин тушлар кўрсин севгилим,
Юр муҳаббат, кетдик бу ердан.

Биз кетсак Ер иенгайиб қолар,
Осмон ҳам сал энкайиб қолар.
Бир қора кўз жилмайиб қолар...
Юр муҳаббат, кетдик бу ердан.

На қилдим эй, юзлари зебо,
Айбим не деб сўрама асло.
Бу дунё шундайин бевафо,
Юр муҳаббат, кетдик бу ердан.

Сен дилимда яшнаган чечак,
Биз биргамиз қайдা яшасак.
Не қипти бир қизга ёқмасак?..
Юр муҳаббат, кетдик бу ердан.

Юр муҳаббат, кетдик бу Ердан.

АНДИША

Андишадир Шарқ кўнглида мулки бебаҳо,
Европада ишлатилмас бу сўз мутлақо.
Қани эди буни барча нотиқлар билса,
Шоҳлар билса, саркардалар, фотиҳлар билса,
Зоғлар буябул, лолалардан андиша қиласа,
Тоғлар донли далалардан андиша қиласа,
Вақти чоғлар иолалардан андиша қиласа,
Кўздан оққан жолалардан андиша қиласа,
Урушқоқлар болалардан андиша қиласа!..

Андишадир инсондаги мулки бебаҳо,
Тош юракда бу сўзга жой бўлмас мутлақо.

Қани эди буни барча ваъзхонлар билса,
Қўғирчоқлар, генераллар, хоқонлар билса,
Тўплар чўпу гиёҳлардан андиша қиласа,
Танклар қўлтиқтаёқлардан андиша қиласа,
Самолётлар нигоҳлардан андиша қиласа,
Кемалар ёт қиргоқлардан андиша қиласа,
Қотиллар бегуноҳлардан андиша қиласа...

Муболага бўлмас тагин не ёзсан қўшиб,
Андиша бу — кабутарга айланган қўшиқ!

ҲАЛИМА ЭНАМ АЛЛАЛАРИ

Д о с т о н

Хўмрайса кўк хўрсинар,
Кулмаса кун чиқмайди.
Эл йигласа эр йигит,
От устида ухлайди.

Эл йигласа эр йигит,
Кенг жаҳонга сифмайди.
Ев кўксини ўртаган
Дод, устида ухлайди.

Қилич унга ўтмайди,
Ўқлар уни ииқмайди.
Ииқилса ҳам бағри қон
Ет, устида ухлайди.

Йўқлаб борсанг кейин, юр
Тур десанг, гап уқмайди.
Она ерни қучоқлаб
Шод, устида ухлайди...

Пичир-пичир қилманглар.
Қиқир-қиқир қулманглар.
Ҳа, энаси айлансин
Ботирларим, ухланглар.

* * *

Уни қаранг, от ўйнатиб,
Навкар тўла қўлтиғи.
Эргаш поисод келади.
Елкасида милтиғи.

Эргаш поисод, бери кел
Гижинглатиб отингни.
Ўйинг куйгур тошбагир,
Чолимни сен отдингми?..

Бир кун юлиб оларман,
Эргаш, қора, юзингни.
Ўғилларим улгайса,
Ўйдирарман кўзингни.

Қизил аскар, кел тезроқ,
Босмачининг зулмидан,
Босмачининг измидан,
Халос бўлсин эл тезроқ...

Пичир-пичир қилманглар,
Қиқир-қиқир кулманглар.
Ҳа, энаси айлансии
Ботирларим, ухланглар.

* * *

Эргаш Мерган увлади,
Қашқир бўлиб ув-в-увв...
Улугтоғдан қишлоққа
От ёғилди дув-дув.

Аскар бола, Мард бола,
У ҳам одамку-ку.
Қилич ботиб кўксига
Ётар инграб: сув-сув...

Гузар ари инидай,
Гувиллайди ғув-ғув:
Менинг чолим — осилган,
Менинг ўғлим — отилган
Менинг қизимку-ку...

Сут кўр қилгур, сени ҳам
Она туққанку-ку.
Илойим, бу гуноҳинг
Қонинг билан юв-юв!..

Пичир-пичир қилманглар,
Қиқир-қиқир қулманглар.
Ҳа, энаси айлансин
Ботирларим, ухланглар.

* * *

Уни қаранг, уни қаранг,
Маҳаллада энг «фаранг»,
Энди келар Тўхтовуш,
Оёгига кўк ковуш.

Тўхтовушни сайратмай,
Танга ташланг қўлига.
Чиқариб қўйинг етаклаб,
Мингтепанинг йўлига.

Бориб бозор айланиб,
Томоги сал мойланиб,

Қайтиб келсин Тўхтовуш,
Оёгида йўл ковуш...

Тўхтовушнинг уйи йўқ-
Еқиб кетган босмачи.

Тўхтовушнинг чоли йўқ-
Чопиб кетган босмачи.
Қора рўмол бошига.
Ёниб кетган босмачи.

Пичир-пичир қилманглар,
Қиқири-қиқири кулманглар:
Ҳа, энаси айлансан
Ботирларим, ухланглар.

* * *

Олиеларда от кўрдим,
Фирот экан, қарасам.
От устида ўспирин,
Саллот экан, қарасам.

Саллот бола исмиини,
Сергей экан, сўрасам.
Камбагалга жонини
Бергай экан, сўрасам.

Томлардаги қизгалдоқ,
Байроқчага ўхшайди.
Қизил аскар қишлоққа
Босмачини қўймайди.

Эргаш понсад, тоққа қоч
Кунинг битиб борадур.

Юртга зугум қилганинг
Икки юзи қародур...

Пичир-пичир қилманглар,
Қиқири-қиқири кулманглар.
Ха, энаси айлансии
Ботирларим, ухланглар.

* * *

Қатор-қатор сагана,
Бойўғлизор сагана.
Борай десам, ётишар-
Боболарим аганаб...

Бу дунёда кимим бор,
Бир кўришга кўнглим зор.
Сўрай десам, ётишар-
Момоларим аганаб...

Аламзада кўнглимни,
Куйлаб зада кўнглимни
Ёрай десам, ётишар-
Огаларим аганаб.

Ой нурида ханжардек,
Ялтирайди жилгалар.
Аждодимни эсласам,
Бўғзимга жоп сиргалар...

Пичир-пичир қилманглар,
Қиқири-қиқири кулманглар.
Ха, энаси айлансии
Ботирларим, ухланглар...

* * *

Эпажонин ташлади кетди,
Кўзларини ўшлади кетди.
Номус жаңгга бошлади кетди-
Қизил аскар ўғилчам...

Аммо қонга ботиб бир куни,
Елиб келди оти бир куни.
Олиб келди оти бир куни-
Қизил аскар ўғлимни.

Осмонларда ой тўлгани шу,
Қароқчининг бой бўлгани шу.
Кўзёшимни сой бўлгани шу-
Қизил аскар ўғилчам.

Эргаш ўлсин сўймай болами, -
Дийдорига тўймай болами.
Қора ерга қўймай болами-
Қизил аскарлар ўғлимни...

Пичир-пичир қилманглар,
Қиқир-қиқир қулманглар.
Ҳа, энаси айлансин
Ботирларим, ухланглар...

* * *

Ёмон бўлди, ёмон бўлди.
Бир жангки беомон бўлди.
Юртинг уруш майдон бўлди...
Ухла, болам, ухлай олсанг.

Тупроқ учиб осмон бўлди,
Осмон чўкиб пайҳон бўлди.
Юлдузлар ҳам ҳайроп бўлди
Ухла, болам, ухлай олсанг.

Осмонда ой тўлмай қўйди,
Офтоб ҳам кулмай қўйди.
Акангдан хат келмай қўйди...
Ухлай болам, ухлай олсанг.

Ҳамма бир тан, бир жон бўлди,
Бир-бирига дармон бўлди.
Ўтиб бўлмас ўрмон бўлди
Ухла, болам, ухлай олсанг.

Вагон-вагон қароҳатлар,
Багрим тўла жароҳатлар.
Кўзни тешар важоҳатлар...
Ухла, болам, ухлай олсанг...

Турди отанг, ётди отанг.
Чонди отанг, отди отанг.
Қизил қонга ботди отанг,
Бобонгни уйготди отанг...
Ухла, болам, ухлай олсанг.

Оналар ўй суриб кетди,
Томоқлари қуриб кетди.
Алла тинглаб бари бола,
Бешигидан туриб кетди.
Ухла, ўғлим, ухлай олсанг.

* * *

Юртинг сўраб тиғ билан,
Келмади не жаҳонгир.
Ҳаммасига бир жавоб,
Ҳаммасига бир тақдир—
Улуг жанг кетаётир.

Сен ҳам бугун бировин,
Мўйловига туриргин.
Туриргину диллинг қон
Майдон сари от сургин—
Улуг жанг кетаётир.

Киндиқ қонинг тўкилган,
Юртингга жон фидодир.
Энди маълум бўлади,
Ким қўрқоғу, ким ботир—
Улуг жанг кетаётир.

Сени руҳи қўлласин,
Боболаринг баҳодир —
Улуг жанг кетаётир,
Улуг жанг кетаётир!..

Пичир-чишир қилманглар,
Қиқир-қиқир кулманглар.
Ҳа, энаси айлансан
Ботирларим, ухланглар.

* * *

Чимилдиғу чимилдиқ,
Тортидию йигилди.
Кимнинг қоши уйилди-
Озодахон келиннинг.

Осмондаги қалдирғоч,
Үқ тегмасни тагин, қоч.
Панадан күйлаб кўнглини оч-
Озодахон келиннинг.

Ажриқ құчган анқизмақ,
Сувга тушган ялпизман
Топған гапи: ёлғизман-
Озодахон келиннинг.

Тупроқ дала йўлида.
Борар-келар, ўйида.
Бир сурат бор қўлида —
Озодахон келиннинг.

Тугилади муштлари,
Фронт кезар ҳушлари.
Тутқич бермас тушлари-
Озодахон келиннинг.

Сувга чиқса бекаси,
Силкинади елкаси.
Тўлмайди ҳеч қўзаси-
Озодахон келиннинг.

Кўзларига дунё тор,
Сандигида бир хат бор.
Бир қишлоқдан сир хат бор-
Озодахон келиннинг...

Пичир-пичир қилмаңглар.
Қиқир-қиқир кулмаңглар.
Ха, энаси айлансан
Ботирларим, ухлаңглар.

* * *

Ботир ўглим, қайдасан,
Ҳеч қўл стмас жойдасан.
Тўхтасинжон¹, айланай.
Сувга чўккан болам-эй...

Қодир ўглим, қайдасан,
Шарқираган сойдасан.
Тўхтасинжон, айланай
Сувга чўккан болам-эй...

Тинмас онанг нолиши,
Сув ўтлари болпши.
Тўхтасинжон, айланай,
Сувга чўккан болам-эй...

Тупроқда жой йўқмиди,
Қиргоқда жой йўқмиди.
Тўхтасинжон, айланай,
Сувга чўккан болам-эй...

Дарёга бош эгайми,
Сувларга қон йиглайми.
Тўхтасинжон, айланай,
Сувга чўккан болам-эй...

Марҳаматда тугпилган,
Днепурта кўмилган.

¹ Тўхтасин Мирзазев — Совет Иттилоқи қаҳрамони.

Тўхтасинжон, айланай,
Сувга чўккан болам-эй...

Пичир-пичир қилманглар,
Қиқир-қиқир кулманглар.
Ҳа, энаси айлансин
Ботирларим, ухланглар.

* * *

Кўкка қаранг, кўк доим
Бир қўшиқни куйлади:
Марҳаматлик дўстига,
Хиёнатни билмайди...

Марҳаматлик ёвни ҳам,
Елкасидан отмайди.
Отиб ботир аждодин,
Руҳини қопатмайди...

Ерга қаранг, момо ер
Бир қўшиқни тиндирмас:
Бу эл қизи қошига
Ўсма қўйса — билдирилас.

Бу эл қизи ёрини,
Кутар қирқ йил тўлгунча.
Қирқ йил кутар, сўнг тагин
Кутаверар... ўлгунча!..

Пичир-пичир қилманглар,
Қиқир-қиқир кулманглар.
Ҳа, энаси айлансин
Ботирларим, ухланглар.

* * *

Хушхабарчи чирогим,
Тинмас темир оёгим,
Синмас темир оёгим
Үглимдан хат келтиргин.

Мен боламдан йироқман,
Иптизорман, илҳақман.
Бир хабарга муштоқман
Үглимдан хат келтиргин.

Чопиб чиқай йўлингга,
Бир ўпай, тоқ қўлингдан.
Би-ир ўпай, соғ қўлингдан
Үглимдан хат келтиргин,

Бугун яна кўрдим туш:
Кўкраклари қон эмиш,
Кўйлаклари қон эмиш.
Үглимдан хат келтиргин.

Жанг қизиган он эмиш,
Турган эмиш қўли мушт.
Қачон тугар бу уруш?..
Үглимдан хат келтиргин.

Норимдан-ку қўнглим тўқ,
У тик кечар олов-ўқ.
Лекин нега хабар йўқ?..
Үглимдан хат келтиргин.

Алпим, марди майдоним,
Элга кўкси қалқоним.
Менинг Сайдаҳматжоним
Ўғлимдан хат келтиргин...

Пичир-пичир қилманглар,
Қиқир-қиқир кулманглар.

Ҳа, энаси айлансин
Ботирларим, ухланглар.

* * *

Уруш бормоқда, уруш.
Ой бўлсанг ҳам кўқдан туш.
Қани, бўл эй, тоңг, ёриш-
Райим раис келяпти.

Тутлар, силжиб йўл беринг,
Хорма деб, бир ҳол сўрипг.
Толлар, суяб қўл беринг-
Райим раис келяпти.

Тўкилдинг, ғўзабарглар.
Пахта туғинг, қўсаклар.
Пахта туғинг, кессаклар-
Райим раис келяпти.

Беҳаловат, бетинлар.
Жони қаттиқ метинлар.
Туринглар, ҳей хотинлар!
Райим раис келяпти...

Пичир-пичир қилманглар,
Қиқир-қиқир кулманглар.

**Ботирларим, ухланглар
Райим раис келяпти.**

* * *

**Отангдан қорахат олдим.
Ҳеч битмас жароҳат олдим.
Энди қайдан тоқат олдим...
Ухла, болам, ухлай олсанг.**

**Ғаним пойлар эшигингда,
Жонинг пойлар эшигингда.
Илон ўйнап бешигингда...
Ухла, болам, ухлай олсанг.**

**Мен кун бўйи қўш тортаман,
Тош тўкаман, тош ортаман.
Ёш тўкамац, ёш артаман...
Ухла, болам, ухлай олсанг.**

**Қизил вагон, узун вагон,
Тутун қилиб изин вагон,
Борар тикиб кўзин вагон
Ухла, болам, ухлай олсанг.**

**Кўкда қаро булут кўрдим,
Багри яро бургут кўрдим.
Кўзида гина, ўғит кўрдим...
Ухла, болам, ухлай олсанг.**

**Суйиб исеминг Санжар дедим,
Қайсарап дедим, ўжар дедим.
Естиғингга ханжар қўйдим...
Ухла, болам, ухлай олсанг.**

Онанг хаёл суреб кетди,
Томоқлари қуриб кетди.
Нега чўчиб туриб кетдинг?..
Ухла, болам, ухлай олсанг.

* * *

Кўчамизда қун кулди,
Ўтди хавғу-хатарлар.
Берлинга қувиб кетди
Евни ботир аскарлар!..

Берлин йўли узоқдир,
Борар сўнгги оғир жанг.
Тўнгиз Гитлер қалайсан,
Тўнгиз Гитлер ҳолинг танг!..

Офтоб теккан айвоним,
Хўрсинади,вой жоним.
Гўжа ичган «бой» жоним,
Балчиқ кечгалий жоним...

Бўзим тинсин-эй, жоним,
Кўзим тинсин-эй, жоним.
Бу кунларни унусам,
Бўйним синсип-эй, жоним!..

Пичир-пичир қилманлар,
Қиқир-қиқир кулманлар.
Ҳа, энаси айлансин
Ботирларим, ухланглар.

* * *

Уруш тамом бўлдию,
Тинмади бир жонларим.
Қийнайсиз, гап уқмайсиз
Тўққизтасиз, болларим.

Ким келди деб бўйлайсиз,
Бўлди десам, қўймайсиз.
Карнай бўлиб йиглайсиз,
Тўққизтасиз, болларим.

Ўсал бўлди жонларим,
Сўгал бўлди — холларим.
Бир сандалга сигмайсиз,
Тўққизтасиз, болларим.

Бу ҳовлида энди энг
Каттасиз, энг каттангиз.
Ҳам акасиз, бизга ҳам
Отасиз энг каттангиз...

Пичир-пичир қилманглар,
Қиқир-қиқир кулманглар.
Ҳа, энаси айлансин
Ботирларим, ухланглар...

ТҮН ҲАҚИДА ШЕЪР

*Водиллик полвон Турсунали
Мамажонов ҳамиша оқ яктак
билин түн кийиб юради. Бир
куни унга муаллими: «Илти-
мос, дарсларга түн кийиб кел-
манг, ҳар ҳолда сиз Маданият
институтида ўқийсиз», деган
экан.*

Ўзбекни жўнининг енглари узун,
Ўзбекни тўнининг енглари узун.
Енги узун кўйлак кийманглар, қизлар,
Маданият институтида ўқисангизлар...

Тили узун бўлсан инсон деганинг,
Эътиқод деганинг, имон деганинг.
Қошга ўсма қўйманг, қўйманглар қизлар,
Маданият институтида ўқисангизлар.

Иякдан кўзгача суринглар упа,
Қулоқ тагига ҳам уринглар упа,
Европачасига бўялсан юзлар
Маданият институтида ўқисангизлар.

Сизга ҳам гапим бор аҳли эркаклар,
Дўши киймай юринг, кийманг телпаклар,
Қийин бўлар сизга шляпасизлар,
Маданият институтида ўқисангизлар.

Турсунали полвон, Лочин полвонлар,
Сизни кутар бунда минг имтиҳонлар,
Муаллим гапини қонун денг сизлар,
Маданият институтида ўқисангизлар...

Фақат бир ўй ўртар бағримни манинг,
Асли маданият нима дегани?

**Биларсиз, у шарқдан чиққан эканин,
Маданият институтида ўқисангизлар.**

**Бу шеърим шунчаки ёзилгани йўқ,
Езилса ҳам ҳали босилгани йўқ,
Тўнимизга кимлар осилгани йўқ
Маданият институтида ўқисак бизлар!**

АИДИЖОН

Қани Богишамол кезган еллалинг,
Қирларда кеккайган қирғовулларинг,
Эслаб эзилмасму энди дилларинг,
Нега йигламайсан, аҳли Андижон?..

Минг йиллик чинорлар бўлди-ку ўтии,
Қошу қабогинингга тўлди-ку тутун,
Сойингда қолдими сувинг бир ютим,
Нега йигламайсан, аҳли Андижон?

Ризқу-рўзин сочиб айланар фалак,
Сен эса далангдан тополмай ҳалак,
Болангга бергали битта ҳандалак,
Нега йигламайсан, аҳли Андижон?

Наҳорингда пахта, шомингда пахта,
Айвонингда пахта, томингда пахта.
Оқар оғу бўлиб қонингда пахта,
Нега йигламайсан, аҳли Андижон?

Қирқ йил чорла, гўрдан чиқмайди Бобур,
Чиқса ҳам бағринингга сигмайди Бобур,
Ҳинду қучогида ухлайди Бобур,
Нега йигламайсан, аҳли Андижон?

Қайинзор қаъридан узилди бир ўқ,
Юракда дод қолди, юракда бир чўғ,
Чўлпонинг бор эди, Чўлпон энди йўқ,
Нега йигламайсан, аҳли Андижон?..

Қара, бир шеър юкин тортдим зўрга мап,
Назм майдонида мен бир йўргаман...
Сени согинаман, сендан қўрқаман,
Нега йигламайсан, аҳли Андижон?

Булбул забонларинг хазон ёпдими,
Дунё уларнинг ҳеч тенггин топдими,
Муҳаммад Юсуфинг шоир ёўтими,
Нега йигламайсан, аҳли Андижон?..

МАҲАЛЛИЙЧИЛИК

Тошни сув кемирар. Сувни қаро ер,
Ерии кемиради юздаи оққан тер,
Чўлда жайронларни қийратади ишер,
Ўзбекни қийратар маҳаллийчилик...

Майсаларни қуёш қовжиратади,
Қуёшни булутлар довдиратади,
Булутларни шамоллар қийратади,
Ўзбекни қийратар маҳаллийчилик...

Тоғларни тўғонлар йиқиб қуритар
Боғларни хазонлар сиқиб қуритар,
Хазонларни кузак йигиб қуритар,
Ўзбекни қуритар маҳаллийчилик.

Билиб қўйинглар, мен Бухороданман,
Илм магзин чаққан фуқароданман,
Олтинман, кўмушман, дуру маъданман...
Ўзбекни қуритар маҳаллийчилик.

Қўйгил Қўқонингни, қўйгил Сурхонинг,
Бир тупроқ-ку ахир, ота маконинг...
Авиз ватандошлар, менга ишонинг,
Ўзбекни қуритар маҳаллийчилик.

Ким у шеърим ўқиб мийигда кулган,
Маймундек тиржайиб масхара қилган?..
Бу ёруг дунёда билганим-билган,
Ўзбекни қуритар маҳаллийчилик!

Аму катта дарё, Сир катта дарё,
Эркин дарё эди, ҳур катта дарё,
Минг ирмоқча кўчган бир катта Дарё-
Ўзбекни қуритар маҳаллийчилик!

БЕЛБОФ

Паҳлавон йигитча, полвон йигитча,
Димоги осмонни олгон йигитча.
Ўзбек эканингиз ёлгон, йигитча,
Белбогингиз қани белингиздаги?..

Узр, ахир олманг аччиқ сўзимни,
Қоқ юрагингизга санчиқ сўзимни.
Нега яшиатмайди боқсам кўзимни,
Белбогингиз қани белингиздаги?

Асли-ку еиз тиним билмас деҳқонсиз,
Тер тўкиб ҳеч миннат қилмас деҳқонсиз,
Дунёни гуллатиб қўйган хоқонсиз,
Белбогингиз қани белингиздаги?

Товонингиз ўпса арзир бу тупроқ,
Қанча ўпса шунча қарздири бу тупроқ.
Аммо гурур керак инсонга кўпроқ,
Белбогингиз қани белингиздаги?

Улкан паҳтазордир юртнинг тўрт ёғи,
Ерии оққа ўраб бўлдингиз чоги,
Ўша паҳтангиздан тикилган шоҳи,
Белбогингиз қани белингиздаги!..

Деҳқони, чўпони, бoggони бари,
Туркйнинг тўқсон олти қабилалари,
Эй, Мирзо Бобурнинг иабиралари,
Белбогингиз қани белингиздаги?!

ЖАЙРОН, НЕГА КЎЗИНГ ТЎЛА ЁШ



ТОПИЛМАЙДИ

Топилмайди, топилмайди, топилмайди,
Бу даврадан менга ҳамдам топилмайди.
Ёмгирдек ёғади кўздан меҳр ёши
Қон юракка дарди малҳам топилмайди.

Қўй, эй, булбул, бу кўиглим қолган сендан ҳам,
Суйиб ёр, куйганларинг ёлгон мендан ҳам.
Топилгай бор сендаги армон меидан ҳам,
Мендаги ишқ, мендаги ғам топилмайди.

Юсуфни ёққаи у қайси гулираъно,
Топилгай ҳар Лайли қошида бир шайдо,
Оҳ урсам, оҳимда минг Мажнуни пайдо,
Менингдек ёр суйгувчи кам, топилмайди.

Келар қайтиб бир куни кетган омадлар,
Фориг ўлгай бу бошдин ҳам маломатлар.
Топилгай дўст, топилгай ёр-паризодлар,
Қани отам, қани онам, топилмайди...

Хусумат, сен нечун мунча тутоқасан?
Нечун оташ жисемини яна ёқасан?
Қўлингга тош олиб йўлимга боқасан,
Кетарман бир куни садом топилмайди.

Топилгай дунёси — одам топилмайди.

* * *

Қалбнинг қизил гулхани сўнди,
Култепада қолмади бир чўг.
Бу қиз билан ишим йўқ энди,
Бу қизнинг мен билан иши йўқ...

Энди менга икки дунё бир,
Сигмам на ер, на осмонига.
Томга чиқиб кетарман энди,
Мен ҳам қизгалдоқлар ёнига.

Ҳей, юлдузлар юртида чаман,
Булутман деб юрган тутуплар,
Кўксим ёниб кетмоқда ёмон,
Мендан нарироқдан ўтинглар!

Қалбда севги гулшани сўлди,
Қолди, фақат ловуллаган чўг.
Бу қиз билан ишим йўқ энди,
Бу қизнинг мен билан иши йўқ...

Кел юрагим, багримни ўйиб,
Севгимни сувларга отамиз.
Майсаларга бошимиз қўйиб,
Капалак ёпиниб ётамиз.

* * *

Қарамайди қайрилиб бир бор-
Мен турибман остоңада зор.
Ойни узиб берсанг ҳам менга.
Чиқмайман дер, ноз қилас дилдор.

Үтиңчларим беҳуда, зорим,
Илиңжларим — ҳаммаси бекор.
Рашким келар, келади орим,
Чиқмайман дер, ноз қилас дилдор.

Тошойнага термилиб, лекин,
Үзи ўсма тортиб қошига,
Дугонаси ёнида, тагии
Тушиб кетар булоқ бошига.

Жимман, бироқ узолмам кўзим,
Кимларгадир қиласман ҳавас.
Келишмаган йигитман ўзим,
Сочларим ҳам жингалак эмас..

* * *

Севги бамисоли лолақизгалдоқ,
Тегинмай бўлмайди,
Тегсанг тўкилар.
Алвои бир гумбазнинг ўртаси оппоқ...
Буни бир мену бир капалак билар.

Мен ўша гумбазга бошимпи суқдим-
Қизил куйлакли бир қизгина кулар.
Бундай боқма менга, уқдингми?
Уқдим...
Буни бир мену бир капалак билар.

Сўнг у оққанотим учдию кетди,
Унииг умри бир кун — чошгоҳда ўлар.
Момо Ер айланиб манзилга етди,
Буни бир мену бир чархпалак билар...

Севги бамисоли гарқ ишигани шотут,
Тегинмай бўлмайди,
Тегсанг тўкилар.
Севдингми, юз йил кут,
Севмасанг унун!..
Бунисин бир мену бир малак билар.

У мени кутади ўйдан сўнг ҳам,
Кўр бўлиб қолгунча йўлга термулар...
Севги — менинг барча дардимга малҳам,
Буни бир ўзиму бир юрак билар.

* * *

Алда мени, севгилим...

Рауф Парфи

Алда мени.

Алдагани ўзим яхши.

Нима десанг мен барига ишонаман.

Қизгалдоқдай қизлар кулиб турса боқмай,
Суйиб, сени сайлаган шўр пешопаман.

О, юзлари тўлин ойдан чиройлигим,
Гоҳида гул, гоҳида тоңи юраклигим,
Бу дунёда ҳаммадан ҳам кераклигим,
Алда мени...

Ерда юрсам кўролмасин, дўстим сотсин.
Юлдузга бош қўйиб ётсан — тошлар отсин.
Офтоб чиқса кўкрагимга чўглар ботсип,
Алда мени...

Алда мени.

Алдагани — ўзим яхши.

Сайдим, қуйдим — кўрмай қолди кўзим яхши.
Сенга бўлди доим топган сўзим яхши,
Алда мени...

Момо ҳаёт, мужгонларинг нимага нам?
Дунё бир кам. Дунё бир кам. Дунё бир кам..
Кел, азизим, кел ёлгизим, кел хотиржам-
Алда мени!

Алда мени. Алдамасанг кунинг ўтмас.

* * *

Кунлар ботар сендан дарак йўқ.
Тонглар отар ссидан дарак йўқ.
Осмон тўла юлдуз согинчим,
Юрагимда ловуллаган чўғ.
Егилади кўёклардан зори:
Сен кутган қиз бироннинг ёри...

Андижонда бодом гуллаган,
Богишамол лол — ким йиглаган?..
Боролмайман у ёқларга ман,
Борсам кулар билган, билмаган
Кулар қири, боги — баҳори:
Сен кутган қиз бироннинг ёри.

Бу дунёда ким бор суймаган.
Суйиб соғинмаган, куймаган.
Севгим — осмон тўла согинчим
Мени қийнагани-қийнаган.
Кўнглимда ишқ, қўллимда тори:
Сен кутган қиз бироннинг ёри...

Қизгалдоққа кўмилган диёр,
Эй яшиаган, эй қулган диёр.
Иқболимга ёғдулар сочиб,
Кўзларимга термулган диёр-
Юртим, ўзинг қўнглим баҳори,
Мен айтган қиз бироннинг ёри.

ҲАЛИМА

Менга бундай қарама өхү,
Мен ҳам дала согинган жөнман.
Мен ҳам гулдай кўнглимни шоҳи
Қоғозларга кўмган иисопман...

Менга бундай қарама оҳу,
Кун санайман мен ҳам интизор;
Тушларимда тутларининг шоҳи
Сувга тегиб турган юртлар бор...

Менга бундай қарама оҳу,
Мен ҳам сендей йиглаб қуларман.
Тунлар ёзган шеъримни гоҳи
Саҳар ёқиб ҳузур қиларман...

Шеърлар ёнар кўксимда лов-лов,
Мунаққидлар илондай заҳар...
Бундай боқма Ҳалимажон-ов,
Тошкент гўзал,
Тошкент зўр шаҳар!

* * *

Энди билдим — жола экан
Бир томчи кўзёш.
Қалбдан оққан нола экан
Бир томчи кўзёш.

Энди билдим — жола экан
Бир томчи кўзёш.
Кулолмаган толе экан
Бир томчи кўзёш.

Қўй десанг тоҳ, «қўй»ни билмаган,
На аза, на тўйни билмаган,
Гап уқмаган бола экан
Бир томчи кўзёш.

Ва беҳуда таъналару аччиқлар — кейин,
Пушаймонлар, кўкракдаги санчиқлар — кейин.

Сочларда оқ тола экан
Бир томчи кўзёш!

* * *

Кечагина қишлоқдаги қизлар бары
Менга сирли қошлар қоқиб қарашибарди.
Қарашибаса, уйларига туңда келиб
Тошлар отиб қочар әдим — ярашибарди.

Саҳаргача атрофида айланишиб,
Дилхун уйга қайтар әдим, билишарди.
«Кимни кутиб тұрибди бу йигитча», деб
Девор оша мүралашыб қулишарди.

Бугун эса бўз йигитман, бўзлаганим-
Болалигим олисларда қолиб кетди.
Бир қишлоқ қиз орасидан танлаганим-
Бармогига тилла узук солиб кетди...

Қизлар эди девор оша мүралашыб,
«Кимни кутиб туриссан», деб сўрашмайди.
Кетолмайман бир ҳовлига ўралашыб
Тошлар отиб қочай десам ярашмайди...

СЕВАР ЭКАН...

Билардим деб айтди у,
Билар экан қизлар ҳам.
Кулардим деб айтди у,
Кулар экан қизлар ҳам.

Синардим деб айтди у,
Сипар экап қизлар ҳам.
Сезардим деб айтди у,
Сезар экан қизлар ҳам.

Кутардим деб айтди у,
Кутар экан қизлар ҳам.
Куяр экан, тунлар қон
Ютар экан қизлар ҳам.

**Мен эса... мен билмасдим,
Билганимда кулмасдим,
Сира парво қилмасдим:
Севар экан қизлар ҳам!..**

КЕЧИКИШ

— Кўкрак тўла орзую ташвим
Найкалда ҳам ҳосилимиз мўл.
Яшайпмиз бизлар ёзу қиши
Юмушлардан бўшамайди қўл.

Ношукурман нолисам бироқ
Ҳеч кўмсадан камим йўқ ахир.
Фақат сени согиниб гоҳ-гоҳ
Йиглаб мени қон қилар кампир.

Тушуњолмай қолдим қандайдир
Тошмехроқ чиқдинг ўзинг ҳам,
Бизни эслаб ҳар замонда бир
Хат ёзиб ҳам қўймайсан бўтам.

Шаҳар ёқдан ким келса, бари
Тўтидек бир сўзни қайтарар:
Кўришмадик, ўглингиз балки
Келиб қолар, дейди зангарлар.

Яхши бўлди келганинг аммо,
Зап вақтида келдинг бу сафар,
Маҳаллада ялла авжида,
Айни тўйлар бошланган маҳал.

Мана кеча, оти нимайди
Салтанатнинг кенжак қизини,
Эсим қурсин, ёдда турмайди,
Бор эдию сочи узуни
Биз куёвга узатдик шуни...

Тўйи тўкин ўтдию лекин
Куёвга қизгиша тушгур,
Кўнгилсизроқ эками, қайдам,
Кўп йиглади, деб келди кампир.

Ким билади балки шундайдир,
Янглишгандир балки кампирим.
Бари келин йиглайди, ахир
Йигламасдан эрга теккан ким?

Бу гапларни қўя турай, кел
Бўталогим, ўзингдан гапир.
Зилзилалар унут бўлиб, эл,
Шаҳар энди тинчиб қолгандир?

...Меҳр тўла нигоҳи билан
Бобом мендан жим кутар жавоб.
Билса экан, тушунса экан
Невараси не кўйда шу тоб!

Билмайди, эҳ, бобом билмайди
Мен, мен ахир севардим уни.
Салтанатнинг оти нимайди,
Ўша сочи узуи қизини...

* * *

Ҳайрон бўлмам турна кишиаса,
Қаҳратонда олма гулласа,
Аммо сенинг севиб қолишинг...
Алдаб нима қиласан?

Осмонии сув босса, ҳайратим ёлгон,
Қуёни ўт босса, юлдуз тулласа,
Аммо сенинг севиб қолишинг...
Алдаб нима қиласан?

Тошлар тилга кирса ишонгум,
Трамвайлар юм-юм йигласа,
Аммо сенинг севиб қолишинг...
Алдаб нима қиласан?

Сенга қараб кўзим пишмоқда,
Сени ўйлаб кўнгил увишмоқда.
Келин орзу қилиб, бағримни тилиб
Тўшак қавир қари онам қишилоқда...

Алдаб нима қиласан?

СЕВГИ БУ..

Севмоқ бу,
Кечирмоқ дегани асли,
Токи бу дунёда қүёш бор, гул бор
Ялпизлар гуллаган шу баҳор фасли,
Содиқ ҳамдам бўлгии сен менга, дилбар.

Фийбатлар тингладим, айланди бошим,
Ҳўл тупроқ қўйдирди товонларимни
Ва мана мен унга кўнглимдан юлқиб
Кўмдим беор дўстдек гумонларимни.

Ўйлар суравердим кечалар танҳо,
Гоҳи жиққа ёшга тўлганда кўзим.
Ва сени севмоқдан олдин бир куни
Дилдан севиб қолдим ўзимни ўзим...

Севмоқ бу ўзингни англамоқ асли
Токи замини аро қүёш бор, гул бор.
Райхонга кўмилган шу баҳор фасли,
Садоқатни ёр бўл сен менга, дилбар.

Севгилик, мен сени севман, тамом,
Ғамгин кўзинг, ҳадик тўла кўзингни.
Севмоқ, бу кунда бир кўрмоқ баҳтидир
Озгин қўлларингни, сепкил юзингни....

СЕНДАН ХАТ ЙҮҚ

Тонг ёришди
Жилмайди бепарво шаҳар,
Дил дардимни
билмайди бепарво шаҳар.
Мен ўйладим бу дунёда муҳаббат йўқ-
Сендан хат йўқ...

Чопаверар
Кун бўйи бир манзил сари,
Трамвайлар-
паровозининг болалари.
Асримининг шу темирида ҳам тоқат йўқ —
Сендан хат йўқ...

Сулувлардан сулув ҳам сен, ҳур сен эдинг,
Бу дунёдан сўраганим бир сен эдинг,
Кўп ўқиган дўстим деди, садоқат йўқ-
Сендан хат йўқ...

Энди билдим, бир кун сенинг тўйиниг бўлиб,
Сурнай йиглар саҳаргача ўйин бўлиб.
Тўйдан нишон ўчоқ қолар, кул қолади,
Мен қоларман ширингина ўйиниг бўлиб.

ҚУШЛАР ҲАМ ЙИГЛАР

Терлар оқди сув бўлиб биздан
Ва гурсиллаб йиқилди терак...
Ака, бизнинг қилмишмиздан
Тунда қушлар йигласа керак.

Она чумчуқ айланиб кетмас,
Кўнглига қил сиғмаса керак.
Эски индан ташиб бориб хас,
Янги инда йигласа керак.

Баланд бўлар уйимиз тогдек,
Айвонида устун ул терак.
Биз яшармиз кўнглимиз чоғдек,
Шунда қушлар йигласа керак...

ТИЛЛА БАЛДОҚ

Сүйикли ёр, қулогингда
Тилла балдоқ.
Мен яшарман юрагингда,
Тилла балдоқ...

Унутолмай ўртанасан,
Тилла балдоқ,
Юрган йўлу йўлагингда,
Тилла балдоқ.

Сен йиглайсан, йиглайди зор
Тилла балдоқ.
Қўлим изи билагингда,
Тилла балдоқ...

Ёринг бошқа, ёринг бўлак,
Тилла балдоқ,
Мен бошқанг, мен бўлагинг-да,
Тилла балдоқ!

* * *

Бу қиз мени кўролмайди.
Салом бермас,
Менсимаса у ҳам бизга
Писанд эрмас.

Ўтдим — қўйдим кўчасидан
Кўзим тушиб.
У жим, биз жим, қолгани йўқ
Сўзим тушиб.

Энди салом берганда ҳам
Сўрашмайман.
Бирорлар гап оттанида
Бўлашмайман.

Шу ҳам қизми? Йўлаб бўлмас
Яқинига
Қирқ минг кокил. Бари тегар
Тақимиға...

Сочин ёйиб ўлтирса у
Кўринмасдан.
Ҳайронман ким ўриб қўяр
Эринмасдан.

РАИХОН

Муҳаббатга

Армоним йўқ, армоним йўқ
Шундан бўлак —
Бўлсам эди баргинг тушиб
Ётган йўлак.

Ёнгар эдим оёгинга
Бошим қўйиб,
Хуш бўйларинг ҳидлар эдим
Тўйиб-тўйиб...

Булбул бўлсам, бутогингдан
Кетмас эдим,
Ўниб лаъли дудоғингдан,
Кетмас эдим.

Юзларингга юзим босиб
Яйрар эдим,
Ииглаб-кулиб дардларимни
Сўйлар эдим.

Бўлсам экан баргинг тушиб
Ётган йўлак...
Гул кўнглимни тушумайди
Сендан бўлак.

МЕХР ҚОЛУР

Үтар қанча йиллар түзөни,
Юлдузлар күзёши самонинг
Үтар инсон яхши-ёмони,
Мехр қолур, муҳаббат қолур.

Қорачугда порлаган ўша,
Иқболига чорлаган ўша,
Дүнёни тор айлаган ўша
Мехр қолур, муҳаббат қолур.

Анор сенинг юзларинг сулув,
Хумор сенинг кўзларинг сулув,
Ёдда қолмас сўзларинг сулув,
Мехр қолур, муҳаббат қолур.

Оқиб кетди сувларда Тоҳир,
Зухро йиглаб қолди қон багир.
Келганда ҳам қиёмат охир
Мехр қолур, муҳаббат қолур...

Нима дейсан, эй, гаюр инсон?
Ғийбатларинг қилди мени қон.
Сен ҳам бир кун ўтурсан, инон
Мехр қолур, муҳаббат қолур?

МУҲАББАТИМ...

Муҳаббатим, қайдасан қалб ардогим,
Жайронкўзим, қирларда қолган оҳум.
Қўлим тегмай тўкилган қизгалдогим,
Энди сени излаб қайдан топарман...

Келар бўлсанг йўлингга гул тўшардим,
Сен Лайлига, мен Мажнунга ўхшардим,
Бу дунёда ҳижрон йўқ деб яшардим,
Энди сени излаб қайдан топарман.

Тушларимда йигларсан гоҳ бағри қон,
Оҳларингдан дуд чиқиб осмон — осмон,
Менга сену сенга мен бўлдик армон,
Энди сени излаб қайдан топарман...

Муҳаббатим, қайдасан қалб ардогим,
Жайронкўзим, қирларда қолган оҳум,
Қўлим тегмай тўкилган қизгалдогим,
Энди сени излаб қайдан топарман.

ҚАРИ ҚИЗ

Тонгда ҳушига келар,
Кундуз — унинг эртаги.
Тунда тушига кирап,
Ғийбатининг кекиртаги.
Үйгонар қўллари мушт
Қари қиз — гўзал хомуш...

* * *

Эсламасанг ҳам мени
Қандай қилиб топаман.
Ииллар ўтару сени
Уңутолмай ёнаман.
Майли, мен-ку қон дилим,
Бахтлимисан, севгилим?..

Баҳор келса боғларга
Севишганилар сиғмайди.
Менинг куйган кўксимда
Қизгалдоқлар йиглайди.
Майли, мен-ку қон дилим,
Бахтлимисан, севгилим?..

Мендан кечиб кетганинг,
Майли, жонинг соғ бўлсин.
Менинг кўйглим чўкса ҳам,
Сенинг кўнглинг чоғ бўлсин.
Майли, мен-ку қон дилим,
Бахтлимисан, севгилим?..

Қайдা бўлма омон бўл,
Омон бўлу билиб ол-
Сенинг умринг узун йўл,
Менинг умрим бир савол:
Майли, мен-ку қон дилим,
Бахтлимисан, севгилим?!

* * *

Севгим менинг,
Кечикиб келган севгим,
Мана энди бир умр ўртанамиз.
Саҳаргача ухламай ўйланамиз,
Қийналамиз...
Мен сенга нима девдим?

Дўсту — ганим бир эрмак тополмайди,
Бир кун бизни гапирмай яшолмайди.
Кечикиб келган севгим,
Мен сенга нима девдим,
Олти қитъа энди бизни пойлайди...

Севгимсану, ёнингга боролмайман,
Кўзларингга согиниб қаролмайман.
Кечикиб келган севгим,
Кечикиб келган севгим,
Ҳеч кимга бу қўнглимни ёролмайман.

Сени унесиз эркалайди нигоҳим,
Сочинг силаб чарчамайди нигоҳим.
Кечикиб келган севгим,
Кечикиб келган севгим,
Бу дунёда менинг бор-йўқ гуноҳим!..

Юрак йиглар, айтишга ийманамиз,
Биз энди бир умр қийналамиз,
Кечалари ухламай ўйланамиз.
Кечикиб келган севгим,

Бу дунёда менинг бор-йўқ гуноҳим!..

**Севгим менинг,
Кечикиб келган севгим,
Мен сенга нима девдим?..**

БИРИНЧИ БЎСА

Бошқага уйланди йигити тушкур...
Тақдир экан, деб қўяди кўрса.
Қиз йиглайди,
Қиз излайди,
Қиз дилгир,
Ундан кўнгил узолмайди қиз эса,
Биринчи бўса, биринчи бўса...

Кўникасан, дейди унга одамлар.
Унутасан, дейди унга одамлар.
Кошки, кўнишиб бўлса,
Кошки, унутиб бўлса,
Биринчи бўса, биринчи бўса!

* * *

Мен кузни согиндим!
Куз саволлари-
Елғончи турналар қайтасиз қачон?
Той кишиар шамолда ўйнаб ёллари
Болалик. Болалик. Айтишга осон.

Бир қизни согиндим...
Сепкил юз қизни,
Онажоп, дардимга йўқ энди шифо.
Келсам ҳам, кетсам ҳам куйдирдим Сизни
Кўксимда шул армон, мен мажнуннамо.

Тушларимда бўлса ўзга одамлар,
Тушларимда бўлса... бошқа бир савол.
Бир қизни согиндим, сепкил юз қизни,
Мен сендан қўрқмасман тақдиди — азал.

* * *

Бу дунёда
Ҳамма иарса ҳаракат,
Қўлни қовуштириб
Турмайди ҳечким.

Бирор мөхнат қилар,
Бирор тухмат қилар.
Бирор насиҳат-
Сен эса.. сен менинг севгилим.

Бу дунёнинг
Ҳамма ери йўл,
Кезаверар
Тақдиридан розилар.

Бирор омоч сурган ерга жим,
Бирор сигинади,
Бирор тупураг
Сен эса... сен менинг севгилим.

Сойда танга балиқ кўрар туш,
Тушларида икки қулоч сим.

Аиов зангор осмон. У ерда
Қарга ҳам қуш,
Қалдирғоч ҳам қуши.
Сен эса, сен ҳамон севгилим...
Энди сени севмайман, бўлди,
Энди сени йўқдир керагинг.
Сен ҳар куни хандон отиб куласан,
Кўйлак кийсанг қўринмайди юрагинг!

ШИРИН АЗОБИМ — СЕВГИ

T y r k u m d a n

Эй гул,
Сени унудим,
Узиб кетди бошқалар.
Мана, энди илк севгим,
Юрагимга тош қалар...

О, бу тошлар бир оғир,
Ҳар қиrrаси қизил чўғ.
Огрийди, жоним оғрир,
Бу оғриққа даво йўқ...

Фунча эдинг,
Гул эдинг,
Очилмасдан сўлдинг-ку,
Бахтим эдинг бор умрим
Етмас азоб бўлдинг-ку!

Унумоқ ҳам шунчами,
Дунё тўлди бўзимга.
Ёниб турган кунчалик
Ботиб қолдинг кўзимга...

Эй гул, сендан кечдиму
Унотолмай бағрим қоп.
Хаёлингдан ўчдиму
Хаёлимда сен ҳамон.

Узиб кетди бошқалар,
Юлиб кетди бошқалар.
Мана энди бир армон
Юрагимга тош қалар.

О, бу армон кўп оғир,
Ҳар қирраси қизил чўғ.
Огрийди, жоним оғрир,
Бу оғриққа даво йўқ...

Бир кун кўриб танидим,
Тош йўлдаги изингни.
Пешвоз чиққан ман эдим,
Кетдинг буриб юзингни.

Салом севгим — азобим!
Боқ, бевафо ёрингга.
Шуқр қилдим ортингдан
Бу дунёда борингга.

Кетдинг хаёл сингари,
Қадамингдан чақнаб чўғ.
Бахтли аёл сингари
Бебаҳт билан ишинг йўқ.

Яна тўёди йўлимни,
Яна тўёди илк севгим.
Музлаб қолган қўлимни
Юрагимга босдим жим.

Бўлди юрак, йиглама,
Йиглагандан на фойда?
Хижрон йўли музлама,
Тоймоқ осон бу жойда.

Тойдинг — кетдинг,
Кетганини,
Софипмоқ йўқ севгида.
Биз бой бердик имконни,
Қоқинмоқ йўқ, севгида.

Қара, қизил гулхандай
Офтоб ботар уғқа.
Яна бир кун қийналмай
Айланмоқда қўшиққа.

Ўтмишга айланмоқда,
Айланмоқда ўтмишга...
Дил қушга айланмоқда-
Дил яна соқов қушга!

* * *

Осмон чўкиб қолди бу оқшом,
Юлдуз бўлиб ёғилди бир сас.
Бир маҳалла нигоҳни кўрдим:
Яшаш керак, севини шарт эмас.

Садоқатми?
Кимга керак у?..
Беҳудадир кўз ёшининг сели.
Юлдуз бўлиб ёғилди бир сас:
У бегона. У энди келин...

Тўй — бу асли баджаҳл ота,
Бахтли бўлсин қизим дегани.
Уни сенга бермасман, бўтам,
Тирик экан кўзим дегани.

Осмон чўкиб қолди бу оқшом,
Қонимда бир гашлик ўрмалар.
Мен оловга отарман энди,
Юрагимни қийма-қиймалаб...

Еқа ушлаб қолсин кўрганлар,
Оловларга отгум уни, бас.
Ениб кетсин чирсиллаб қалбим,
Севини керак... яшаш шарт эмас.

ҒУРУР

Ҳозир менга кулиб қарайсан,
Бегамгина бош иргайсан жим.
Ва йўлингга кетаверасан
Худди сенга йўқдек керагим.

Малол ўйнар, йўқ савол ўйнар,
Дугонангни кўзларида: ким?
Бир силкиниб қўяди кафтинг
Худди сенга йўқдек керагим.

Қарамайман ортингдан мен ҳам,
Тезроқ бундан кетмоқ тилагим.
Ва шўлгийман троллейбусга
Худди менга йўқдек керагинг...

Сени гоҳи йиглагинг келар,
Мени эса гоҳида ичгим.
Шундай, шундай катта шаҳарда
Бизга ёрдам беролмас ҳеч ким.

* * *

Узун кеча ўзингни ўйлаб,
Дардларимни елларга сўйлаб,
Тушларимни — қишиниг қорига,
Тонгни кутаяпман сокин, жим
Тонгни кутаяпман севгилим,
Қиё боқмай ой рухсорига...

Сенсиз ўтган умримдай маҳзун,
Сенсиз ўтган умримдай узун,
Ушбу совуқ туи ҳам зим-зиё,
Тонгни кутаяпман сокин, жим
Тонгни кутаяпман, севгилим,
Юлдузларга қайрилмай қиё...

...Юракни қон қилди бу кеча,
Тонгга, қанча қолди тонгача?

Эвоҳ сўнгги бардошим сёнди,
Қандай яшай севгилим сенсиз?
Қандай яшай, етар-э юлдуз,
Ой бўлса ҳам ботсин-да энди....

ТУШЛАРИМГА КИР

Капалакдай келиб,
Қошингга қўниб,
Кўзингга термулиб умрим ўтсайди...
Нима ҳам қўрибман мен йигит бўлиб?
Сочингни силашга қўлим етмайди.

Пешонам шу экан, пешонанг шудир,
Тушимга кир жоним, тушларимга кир.

Товоенинг ўпади ариқдаги сув,
Кўйлагиниг этагин ўпади майса.
Мен-чи, бир гиёҳча бўломмадим-ку,
Эй, кўзлари жайрон, киприги наиза!

Пешонам шу экан, пешонам шудир,
Тушимга кир энди, тушларимга кир.

Кўчиб бораётир бу умр — карвои,
Кунлариниг бўйнида юрак қўнғироқ.
Мен сенга армону сеп менга армои,
Кўнглимининг тўрида тутар шамчироқ.

Пешонанг шу экан, пешонам шудир,
Тушимга кир жоним, тушларимга кир...

Капалакдай келиб, қошингга қўниб,
Кўзингга термулиб умрим ўтсайди.
Қолдингу багримда жонимдек бўлиб,
Сочингни силашга қўлим етмайди.

Пешонам шу экан, пешонанг шудир,
Тушимга кир энди, тушларимга кир...

* * *

Осмон мисли қоп-қора ўтов,
Ўтвидан чиқмаे ой санам.
Теваракка термулиб соқов,
Ўлтирибман мўлтираб яна.

Менинг бахтим
менинг тилагим,
Ой юзим ҳам бесадо бу тун
ваҳималар босиб юрагим,
деразадан бўйлайман секин...

Тонг отгунча мана шундай жим,
қийналади бунда икки жон.
Хонасида ул йиглар юм-юм
ташқарида менинг багрим қон.

Тақдир экан деймиз, оҳ тақдир,
Толенимиз эса қулмайди,
Орамизда неки бўлса сир,
Ўзимииздан бўлак билмайди...

EP-EP

Осмон олис, осмон жим,
Марҳаматда қор ёгар.
Сени қандай севардим,
Кўролмади қаргалар.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Жоним қақшар, ёр-ёр.
Қайдা бўлсанг сен билан
Севгим яшар, ёр-ёр...

Осмон олис, осмон жим,
Осмон қулоқ солади:
Юрагимни согинчим,
Гижжак қилиб чалади.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Жоним қақшар ёр-ёр.
Қайдা бўлсанг сен билан
Севгим яшар, ёр-ёр...

Осмон олис, осмон жим,
Осмон юлдуз тўшайди.
Билагингда бармогим
Изи борга ўхшайди.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Жоним қақшар, ёр-ёр.
Қайдা бўлсанг сен билан
Севгим яшар, ёр-ёр...

Бу бевафо дунёдан,
Бир кун мен ҳам ўтарман.
Юлдуз тўла самодан
Қўшиқ бўлиб қайтарман.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Жоним қақшар, ёр-ёр.
Қайда бўлсанг сен билан,
Севгим яшар, ёр-ёр!

* * *

Ярим ҳазил, ярим чин

Ситамларинг кўидир менга,
Ситамларинг эй, гулгун.
Кел, юзингдан ўптири менга,
Ўнг юзингдан ўптиргин...
Борсам кел, деб ердан турма,
Захринг сочиб ўлтиргин.
Гапирмагин,
Гапиртирма.
Сўнг... юзингдан ўптиргин.
Сўймасанг суйкалиб нетай,
Бу дунёдан нолиб нетай?
Майли ўтай,
Майли нетай.
Кел... кўзингдан ўптиргин!

* * *

Дайди еллар япроқни
тортқилаб олиб кетди...
Үтди йиллар чопқиллаб
болалик қолиб кетди.

Қадаб оташ нигоҳин,
чишвиркокил қўшини қиз.
Юракка бирам яқин
бир тўйгу солиб кетди...

Куни кеча у билан
бирга эдим бешарво.
Бугун зса ўйл қараб
кўзларим толиб кетди...

* * *

Севгилим,
Севгилим,
Менинг севгилим,
Жонни бир қуш чўқир сизни ўйласам.
Гулдай юзингизни силар энди ким,
Мени эслармисиз — йўқми ўша дам...

Булутлар кўк кезар кунда пиёда,
Уфқа офтоб ботар қизил гулхандай.
Бу ёруг дунёда,
Ёруғ дунёда,
Сизни ўйламасдан яшарман қапдай.

Кўнглим айвонида куз ҳуштак чалар,
Кўзимдан ёшми ё ёгилар япроқ?..
Дўстлар, такаббур шонрваччалар,
Ўзларин севишар ёридан кўпроқ.

Кунлариниг кафтида севги ханжари,
Багримда бегуноҳ бир гул сўлади.
Тойчоққа айланиб гоҳ кечалари,
Тупроқда аганаб ётгим келади...

Севгилим,
Севгилим, ўртанар дилим,
Жонни бир қуш чўқир секин бўйласам.
Гулдай юзингизни силар энди ким,
Мени эслармисиз — йўқми ўша дам.

**Билмайман.
Билишни истамайман ҳам!
Билганим — менга баҳт насиб этмади.
Йиллар ўтаверди,
Кўзим ўнгидан
Сизнинг ойдай руҳсорингиз кетмади...**

**Дунё омон бўлсин,
Сиз бўлинг омон,
Омадли бўлинг сиз,
Баҳтли бўлинг сиз.
Лекин билиб қўйинг,
Билиб қўйинг, ҳамон
Сизни унутмаган — Муҳаммадингиз!**

ЖАЙРОН

Қон йиглатди қайси багритош,
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?
Оёғингга қўйиб ётай бош
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?..

Юрак қонинг тўқилган сўқмоқ,
Багри алвон лолақизғалдоқ,
Сенга тошлар отди қай гумрөх,
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?..

Зор йигладинг бунча ҳам, ҳайҳот,
Менда ҳам бор сендаги сайёд...
Эй беозор, эй мўмин жонзот
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?

Бу дунёнинг покаслари бор.
Эзгуликни кўролмайдилар,
Менин ҳам қон қилдилар улар,
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?..

Лабим билан яранг силай ман,
Сенга дарди шифо тилай ман,
Кел, туғишган оғанг бўлай ман,
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш.

АЙТСАМ АДО БЎЛМАС АРМОНЛАРИНГ БОР



МЕНГА БЕРИНГ

Оlam яралгандан бери,
Одам яралгандан бери,
Туйгуларининг озодини
Менга беринг, менга беринг.

Не бахт, беш юз йилдан бери
Боқийдир бир бобом шеъри,
Беҳзод чизган сувратини
Менга беринг, менга беринг.

Берунийнинг пок ёдини,
Муқаннанинг ииятини,
Синопиинг тиббиётини
Менга беринг, менга беринг.

Осмонларга учгим келур,
Шоҳ Машрабни қучгум келур,
Гўрўғлининг Гиротини
Менга беринг, менга беринг.

Ерни ушлаб тўхтатаман,
Ясавий ким, кўреатаман,
Ватан адабиётини
Менга беринг, менга беринг...

Яшайлик бир сўздек бўлиб,
Бир узукка кўздек бўлиб
деган элнинг муродини
менга беринг, менга беринг.

Замин ерин зўрии олинг,
Жаинатишинг тўрии олинг,
Ўзбекистонободининг
Менга беринг, менга беринг!..

У ҳам мени кўргай ҳали,
Кўзи ёниб сўргай ҳали:
Шу ўглимнинг баётини
Менга беринг, менга беринг!

ОНАМДАН ХАТ

Ўғлим, жигаргўшам, айтгин-чи, наҳот
Ачинмайди жонинг онанг ҳолига.
Мени тўшакларга михлаб қўйди бод,
Келсанг бир кўреаму... ўлсам, майлига.

Чакки ўтган эски томга ўхшайман,
Кўзимдан ёмгирилар тўкилар тиимай.
Бу ёруг дунёда борми, билмайман,
Ўз ўглин йўлига интизор мендай...

Ҳайҳотдек ҳовлида қолдим бир ўзим,
Нима хәёлларга бормасман баъзан.
Согмисан ишқилиб, қўрқаман, қўзим,
Подшолар ҳақида шеърлар ёзасан.

Ўйнашиб бўларми шоҳлар билан, айт
Қишилоқи жонингга шеърдан не ҳузур?
Зериксанг — бепоёни яйловингга қайт,
Сиқиссанг — даштларда от чоптириб юр!

Фақат хаёлингдан чиқаргин шеърини,
(Кимгадир ёқмасмини чинми — ёлғонми).
Ахир, сен ёзмасанг ўша Бобурни,
Шоиринг уруги қуриб қолганми?..

Ўғлим, жигаргўшам, айтгин-чи, наҳот
Ачинмайди жонинг онанг ҳолига.
Мени тўшакларга михлаб қўйди бод,
Келиб бир кўтариб чиққин ҳовлига.

Қўлингда жон бериб ўлсам майлига.

* * *

Қоғиялар излаб келдинг сен.
Сен бу ерга излаб келдпиг баҳт.
Беріб қўйди ихтиёрингга
Болаҳоналарини пойтаҳт...

Энди битта қўлингга қалам,
Бир қўлни пана қила туриб.
Шеър ёзасан ишхонада ҳам
Бўлим бошлигидан янириб.

Қадрдои қишлоғингда эса
Ўрининг шундоқ турар билиниб.
Иўл қарайди ҳар куни онанг
Сенга иссиқ кулча илиниб...

НАСИҲАТ

Дўстларим, бекорчи хаёлдан қўрқинг,
Эрмакка айтилган саволдан қўрқинг,
Миннатли қўл тутган похолдан қўрқинг,
Бегона юзида малодан қўрқинг,
Доим савоб изланг, уволдан қўрқинг,
Қашқирлардан қўрқманг, шоқолдан қўрқинг...
Эрин ёмонлаган аёлдан қўрқинг!

БАХТЛИ БҮЛ, ДЕРМАН

Менинг ширин қизим,
Менинг хунук қизим,
Мендан ҳам соддасан. Ўйламоқ оғир.
Ўтларга кўмилиб кетганда изим.
Ҳолинг нима кечар... юрагим оғир.

Сенинг қарогингда менинг ёшлигим,
Сочинг ҳар толаси азобларимдир.
Йўлингда йўлдошинг бўлар экан ким?
Шундай нозиксанки... юрагим оғир.

Муҳаббат нимадир мендан сўрама,
Бу гулзор тўрига ўтолмадим бир.
Ширин қизим, қўйтил, бундай қарама,
Юрагим, юрагим, юрагим оғир.

Мен кимман? Билмасман ҳатто ўзим ҳам,
Кўнглим кўрфазидан балиқлар зоҳир,
Менинг содда қизим, сени ўйласам,
Жонин бир қуш чўқир — юрагим оғир...

Булбуллар ёғилган бир навбаҳорда
Оlamни ёритгай оппоқ либосинг.
Мен жим ётарману қирда ё жарда
Ва йиглаб ўпарман қўлинг хиносин!..

Менинг гўзал қизим, баҳтли бўл, дерман.

МАРҲАМАТ

Мана шу мен тугилган гўша,
Уйга етдим — ариқ ҳатладим.
Шу ерлик бир қизга ёқай деб,
Узун-узун шеърлар ёдладим...

Ёдладиму айтолмай унга
Багри дилим тўлди дод билан.
Осмонларга термулиб ётдим
Томда, сиғглим қизгалдоқ билан.

Осмон деганлари кенг экан,
Бўйи бўйим билан тенг экан.
Бу дунёда дардингиз бўлса,
Юлдузга баҳтлиман денг экан...

Ҳамма юлдуз менга мўлтирас,
Ўлсам менин савол ўлдирас.
Айвондаги қалдирғочлардек
Улар тизилишиб ўлтирас.

Қаранг, қандай баҳтли боламан!
Ўйларимда гуллар ухлайди.
Кўзларимда жаранглар кулгу,
Юрагимда... йўлбарс.. йиглайди.

ҚИЗИЛ ОЛМА

Набижонга

Баланд шохда қизил олма
Пишган экан.
Узиб олиб қарасам қурт
Тушган экан.

Мен олмани иргитворсам,
У дод солди;
Ташлаб кетар экан мени
Нега олди?!

Қизил олма, қизил олма,
Мен енгилдим,
Дунёй дун деганиларин
Энди билдим...

Юрагим-ей, сени не ўй
Ўртамоқда.
Севгига йўл бўлсин бизга
Бу чорбогда.

Баланд шохда қизил олма
Пишган экан...
Бизнииг бошга шундай савдо
Тушган экан.

САМАРҚАНД

Самарқандга борсам мен агар
Улугбекни кўриб қайтаман.
У қон йиглаб турар ҳар сафар:
Мен дардимни кимга айтаман?..

Багримда бўй стган бўз болам,
Мерган болам, лочинкўз болам,
Бўғзимга тиг урган ўз болам...
Мен дардимни кимга айтаман.

Сезмай қолдим. Ўшанда чогим,
Юлдузларда экан нигоҳим.
Билмадим не эди гуноҳим...
Мен дардимни кимга айтаман.

Қанча ғамга ботмаган эдим,
Қанча оғу ютмаган эдим.
Ўз боламдан кутмаган эдим...
Мен дардимни кимга айтаман.

Таним музлаб тоҳ тош қотаман,
Мен шоҳ эмас ахир, отаман.
Гўримда ҳам ўйлаб ётаман,
Мен дардимни кимга айтаман?..

Самарқандга борсам мен агар
Улугбекни кўрмай келмайман.
У менга қон йиглар ҳар сафар,
Мен кимга айтишини билмайман!

ТИЛЛАҚҮНГИЗ

Тўхта тилла қўнгиз.
У ёққа борма.
Ариқдан ўтдингми — у ёғи гўза.
Тонг олди бошлаган ишингдан қолма,
Ялиизнинг лабидан сўрабер бўса.

Тўхта тиллақўнгиз,
У ёққа борма,
Этик пошнасида эзилар жонинг.
Инесон банд, у сизнинг саломга зорми?
Ўртоқ қумурсқалар, менга ишонинг...

Кетди. У гапимга қулоқ солмади,
Рўзгор ташвишими ё бошқа ўйда.
Жониворларда ҳам тоқат қолмади,
Бир кунгина тинчид ўтирмас уйда.

Тиллақўнгиз балки... менинг бобомдир,
Келгандир қошимга қаича йўл босиб.
Ўтмишни унутмоқ кимга муносиб?..
Қасос қилич қайрап саҳардир-шомдир.

Тўхта туғишганим, у ёққа борма!

* * *

Бекатларда мен қоларман-да,
Айтар сўзим қолиб кетади.
Трамвайлар сени ҳар куни
Бодомзорга олиб кетади.

Термиламан, изларидан жим,
Боқиб кўзим толиб кетади.
Бодомзорга сени ҳар куни
Трамвайлар олиб кетади.

Темир йўлга бошларин уриб
Филдираклар нолиб кетади.
Бодомзорга сени ҳар куни
Трамвайлар олиб кетади.

Юр деб ўзим кетар йўлларга.
Буролмайман трамвайларни.
Сўколмайман трамвайларни,
Уролмайман трамвайларни.

Кўролмайман, трамвайларни!..

ЧИЛОНЗОР

Чилонзорда адашиб қолдим
Қатор ўхшаш уйлар, ўйлайман...
Меники қайси деб бўйлайман,
Чилонзорда адашиб қолдим.

Чилонзорда адашиб қолдим,
Гар сўрасам, кулади қизлар,
Йўлдан қоч, дер троллейбуслар-
Чилонзорда адашиб қолдим.

Фарҳод бовор тумопат одам,
Расталарда пистаю бодом.
Уйимни сўрашга уялдим...
Чилонзорда адашиб қолдим.

Қуёш ботди — осмоннинг жоми,
Қандай ёруг Тошкент оқшоми!
Симёгочга суюниб олдим...
Чилонзорда адашиб қолдим.

Қайлардасан, мен тугилган уй,
Мени бунда ким танийди, ҳув-в-...
Билмам, қанча турибман бир пайт
Бирор қулар — қарасам қизим,
Мактабидан қайтган Юлдузим:
«Дада, бизнинг уйимиз шу-ку!»

Секин унга эргашиб олдим,
Муздек қўлин қўйнимга солдим.
Юр, ёлгизим, биламан ўзим,
Чилонзор-да, адашиб қолдим.

* * *

Бу шеър эмас,
Шунчаки
Бир гап келди кўнглимга:
Хўш,
Мен нима қилолдим
Биттагина синглимга?..

Оқшом.
Оппоқ саволлар
Кириб келди хонамга:
Хўш,
Мен нима қилолдим
Биттагина онамга?..

Сочимта оқ оралар,
Аlam қилас одамга:
Хўш,
Мен нима қилолдим
Биттагина отамга?..

Бу шеър эмас,
Шунчаки,
Оддийгина бир савол.
Мен шунчаки бир жавоб
Тополмасдан қолдим л-о-л!

* * *

Азизимсан,
Бахтиёrimсан.

Ишонганим — вафодоримсан.
Ёлгизимсан... Умринг ўлчовли
Қарга эса мингга киради.

Билиб юрар,
Кўриб туради.

Қузгун — ажал топар бехато.
Жондан ортиқ қўраман, лекин
Сени боғлаб қўйган йўқ, ота...
Қарга эса мингга киради.

Юрак токай уриб туради?
Юрак тингай тўлса поймона.
Маъюс чеҳранг қўксимни ёқиб
Сен ҳам бир кун ўтарсан, она
Қарга эса мингга киради.

Ииллар бизни ўриб туради,
Үйда, йўлда, шошиб — шошимасдан,
Хайрлашиб — хайрлапимасдан,
Эриб, оқиб ўтаверамиз-
Қарга эса мингга киради...

Сочгум гулдай дунёга меҳрим,
Токи юрак уриб туради.
Сен абадий яшайсан, шеърим-
Қарга фақат мингга киради.

ЮРАК

Юрак, ёмон экансан.
Қип-қизил қон экансан.
Кун йўқ экан менга ҳеч,
Сенки омон экансан...

Қиз суйдинг — бўлди армон,
Этакка тўлди армон.
Бўлди, сени кўксимдан
Юлиб ўтга отарман.

Дўст тутиндинг — ёв чиқди,
Елкамга пайза суқди.
Сенинг билан сигиниб
Юрган йўлда ғов чиқди.

Ана, севгим — учган ўқ,
Муздек тошни қучган ўқ
Қиз суйдинг — бўлди армон,
Кўриш бору айтиш йўқ.

Бўлди, сени кўксимдан
Юлиб сувга отарман.
Соҳилларда қум билан
Қулоқлашиб ётарман...

Юрак, ёмон экансан,
Қип-қизил қон экансан.
Кун йўқ экан менга ҳеч
Сенки омон экансан...

* * *

Карнай йиглар,
Сурнай йиглар,
Қиз йиглар,
Тўлиб кетар қишлоқ қий-чувга,
Тўй бошланар...

Сойга тушиб кетаман
Мен тушимни айтгани сувга.
Онам чиқар йўлимдан:
— Бир девор қўшнимиз-а, болам
Васиятип унудингми отангнинг?

Синглим тутар қўлимдан:
— Ака, сизда гапи бор экан
Ҳакима опамнинг.
Хе, ўша олантни...

Девордан бир сакраб,
Сойга тушиб кетаман,
Ҳеч ким билмас,
Ҳеч ким кўрмас
Жойга тушиб кетаман.

Е-о-о-таман...
Карнай йиглар,
Сурнай йиглар,
Қиз йиглар,
Мен чекаман,
Юрагим... унсиз... йиглар.

УЙҚУДАГИ ҚИЗ

Нурхон хотир га

Қаро ерга қўйиб бош,
Бир қизгина ухлайди.
Кўзларига тўлиб ёш,
Ҳур қизгина ухлайди.

Ётар қуриб дармони,
Мангу ухлаб гул ёноқ.
Кўнгли тўла армони,
Қўйни тўла қизгалдоқ...

Бу дунёда ҳеч сенек
Қиз йўқ эди, тур, синглим.
Ўзинг орзу қилгандек
Тўй қиламиз, юр синглим.

Ой юзингга бир нафас,
Ҳарир рўмол ўрарсан.
Гул-гул ёниб муқаддас,
Чимилдиққа киарсан...

Қаро ерга қўйиб бош,
Бир қизгина ухлайди.
Нурхон отли қаламқош,
Ҳур қизгина ухлайди.

ҲАММАМИЗ ҲАҚДА БИР ШЕЪР

Қандай йигит эдим-а,
Қандай йигит эдим-а,
Кечагина... онам түқ-
қандай йигит эдим-а.

Энди қимман,
Эни ким,
Ким деб атай бу жонни?
Қийнамайман Виждонни,
Қийвораман ёлгонни.

Дунё билан ишим йўқ,
Ўз тинчимни ўйлайман.
Шуҳрат йигиб тўймайман,
Мансаб учун йиглайман.

Эй дўст, тушун мени ҳам,
Қолиб кетди болалик.
Қийин ишим мени ҳам,
Хайрлаша қолайлик!..

Севгилим, сен гўзалсан,
Танҳо Ўзбекистонда.
Сенга уйланардиму
Отанг оддий дехқон-да!..

Омонмисиз, бобожон,
Сизни кўргим келади.
Аммо бошлигим ёмон,
Борсам... хафа бўлади.

Немисча шеър ўқпийман,
Итальянча ўйнайман.
Ўз синглимининг боласин
Исмини ҳам билмайман...

Момо Ҳаёт,
Шафқат қил,
Қайтар мени аслимга.
Ўша шаффоғ йилларим,
Ўша баҳор фаслимга!

Оёқяланг,
Бошяланг,
Далаларда чопайин,
Олтин ёлли тойчоқлар
Кўзларидаи ўпайин.

Қандай йигит эдим-а,
Қандай йигит эдим-а.
Онам туқдан Маҳаммад-
жондай йигит эдим-а!..

УЧРАШУВДА ЎҚИЛГАН ЙЕТЬР

Ҳамма шоир мақтанчоқ,
Фақат буни олмас тан.
Шуҳрат шундай ширин гөҳ,
Уларни кечир, Ватан...

Байронни билар ёддан,
Билмас нима қора ион.
Сўйлайди коинотдац,
Уларни кечир, дехқон.

Ҳамма шоир мақтанчоқ,
Қаддин тутиб юрар гоз.
Ётиб гул ҳидлар холос...
Уларни кечир, тупроқ.

Юлдузни узиб юрар,
Ой ўзиб қиласар сукут.
Тепангда сузиб юрар,
Уларни кечир, булат...

Ҳамма шоир мақтанчоқ,
Ўзим ҳам қолишмайман.
Учрашувга борсам гоҳ
Қайтишда, машҳурман деб
Автобусга тушмайман!

ХАЁЛ

Хаёл қандай яхши.
Акангга ўхшар.
Ўйнатар елкага кўтариб олиб.

Бу парвоз сўнггида йиглашинг мумкин,
Согинган онангнинг олдида қолиб...

Хаёл қандай яхши,
Хаёл қандай соз.
Қўшиқлар сочади босган изингга.
Бир кечада бориб айтишинг мумкин,
Изҳори дилингни суйған қизингга.

Бегубор болалик юлдуздай олис,
Аммо хаёл учун у ҳам бир қадам:
Тарсиллаб қовунлар ёрилган полиз,
Сен ёлгиз ётибсан остида бедом...

Гуллари тўкилар ўша бодомнинг,
Капалакдай келиб юзингга қўнар.
Хаёл ҳам туғишган укаси одамнинг
Қаёққа юборсанг гинг демай жўнар.

Кўксингда хаёлинг турса йигилиб,
Қуёшни уйготиб келса бўлади...
Шоирларининг бари ерда туғилиб,
Осмону фалакда ўлади.

ҚҰШИҚ

*Олма отдим отганга...
Халқ құшиғи*

Ишонгандим дүстимга
Ишонгандай ұзимга.
Дүстим мени алдади,
Ханжар урди күксимга.

Боғлардаги гул, япроқ,
Әнди менга дүст, ўртоқ.
Гулхан бўлиб чарсиллаб,
Багри-дилим ёнар, воҳ.

Олма отдим отганга,
Дийдаси тош қотганга.
Дунё бўлсин қоронгу,
Ўз дўстини сотганга...

Ишонгандим ёримга,
Суюкли дилдоримга.
Ёрим мени алдади,
Қулоқ солмай зоримга.

Тоғлардаги қизгалдоқ,
Әнди менга ёр, ҳамроҳ.
Гулхан бўлиб ловуллаб,
Багри дилим ёнар, воҳ.

Олма отдим отганга,
Юраги тош қотганга.
Дунё бўлсин қоронгу,
Севгисини сотганга...

СОҒИНИШ

Чўлпон бобо, қайдасиз,
Қачон уйга қайтасиз.
Қачон қайтиб қошимга,
Менга эртак айтасиз?..

Эртагимиз узилди,
Кўздан ёшлар тизилди.
Бир қўчиқининг давоми
Минг асрга чўзилди.

Чўлпон бобо, согиндим,
Тополмасдаи оғриндим.
Кенг далада алвон бир
Қизгалдоққа қоқиндим.

Қизил гулим, йиглама,
Юрагимни тиглама.
Сен бөбомни согинсанг,
Саҳаргача ухлама...

Чўлпоп бобо, қайдасиз,
Қачон уйга қайтасиз.
Қачон келиб ким отган,
Ким сотганин айтасиз?..

Бобожоним жим кулар,
Кўзларимга термулар:
Мен билмайман ким улар,
Мен билмайман ким улар.

Жоним болам, йиглама,
Сен ҳам багрим тиглама.
Кўргинг келса бобонгни,
Саҳаргача ухлама!

АБДУЛЛА ОРИПОВ ҲАНГОМАСИ

Xazil

Куз әди олмалар баргини түккан,
Рұхим шод ўзимга қўшиқлар айтиб,
Теварак ажидир сукутга чўккан
Кечада қайдандир келардим қайтиб...

Шу лаҳза қандайдир шарпани сезиб,
Қўшиғим узилди, тўхтадим таққа.
Аллаким ўтдию йўлимни кесиб,
Чўпқайиб ўтириб олди сўқмоққа.

Қўлларим қалтираб излай кетди тош,
Эҳтиёт чорасин кўрдим ҳар нечук.
Юракни ҳовучлаб қаршимдаги ул
Йўлтўсарга боқдим, қарасам кучук!

Баҳайбат бир кучук, кўзлари бежо
Гирдимни айланиб хура бошлади,
Тош олганим кўриб ириллаб,
Мен томонга юра бошлади:

Қани, қўлла ҳимоя усулингни,
Менинг учун бўлмае бундан қулай пайт.
Қўшиқ айтиб келаётгандинг ҳали
Шоирмисан, тўғрисини айт?..

Адабиёт, жоним нисор йўлингда.
Аммо нетай, бола-чақа бор...
Мен илжайдим: шоирингиз нимаси
Кўппак ака, биз бир ҳаваскор...

Гапларимга ишонди чамамда ё
Озгин жуссам ёқмади унга андак.
Кўзимга бир қараб қўйдию, тегмай,
Жўнаворди йўлига кўпак.

Қўшиқни бошладим энди баралла,
Шукр, мени танимади бу сафар.
Танигандা тинчирдим аниқ-
Шоирларни ёқтирмайди «кучук»лар!

УСМОН НОСИР

Саболар қайтгуси баҳмал боғларга,
Наволар қайтгуси маҳтал боғларга.
Қодирийнинг қабри қизгалдоқларга
Тўлгай кунлар ҳали келмоги бордир.

Ўшал қизгалдоқлар армоним менинг,
Осмонга етмаган нарвоним менинг
Жим қолур тинглаб гул забоним менинг
Тўргай, кунлар ҳали келмоги бордир.

Юлдузлар — султон Улугбек имони,
Тополмасдан сарсон Бобур мирзони,
Чўгдамас бош узра Муқанна жони
бўлгай кунлар ҳали келмоги бордир.

Қора диллар ўтмиш тош варагида
Тушмади қўллари ҳеч ярогидан.
Боши хам бир кун виждан сўрогида
тургай кунлар ҳали келмоги бордир.

Шеъринг қўй, юр Қўқон кетайлик, Усмон.
Сен дўстим деганлар ҳаммаси душман...
Усмонни қисматин бу Ўзбекистон
билгай кунлар тагин келмоги бордир.

* * *

Юртим, адо бўлмас армонларинг бор,
Тошларни йиглатган достонларинг бор,
Утмишингни ўйлаб огрийди жоним,
Кўксинг тўла шаҳид ўғлонларинг бор.

Багрим ўртар бир ўй баҳор айёмлар,
Ой борган ёқларга термулиб шомлар.
Айбии билмай кетган Акмал Икромлар,
Файзуллодек марди майдонларинг бор...

Юртим, кўнглинигдек кенг осмонларинг бор,
Юлдузни йиглатган достонларинг бор.
Осмонларингдан ҳам дийдорингга зор,
Жайрондек термулган чўлпошлиниг бор.

Қўлинг қадогига босай юзимни,
Онамсан-ку, огир олма сўзимни,
Қайинбарглар ёпиб қаро кўзини
Олисларда қолган Усмонларинг бор.

Алҳазар, алҳазар, минг бор алҳазар,
Ана, юришибди кийганлари зар,
Қодирийни сотиб шоир бўлганлар-
Меҳробингдан чиққан чаёнларинг бор...

Қурбонинг бўлайин, эй онажоним,
Сенинг фарёдларинг, менинг фигоним,
Утмишингни ўйлаб ўртанар жоним,
Айтсам адо бўлмас достонларинг бор.

ВАТАИ

Мен дунёни пима қилдим,
Ўзинг ёруг жаҳоним,
Ўзим хонман,
Ўзим султон,
Сен ганжи Сулаймоним,
Дур ичра дурданам дейми,
Елгизим, ягонам дейми,
Офтобдан ҳам ўзинг меҳри
Илигимсан, Ватаним.

Шодон куним гул отган сен,
Чечак отган изимга,
Нолон куним юпатган сен,
Юзинг босиб юзимга
Синглим дейми,
Онам деймп,
Топинган кошонам дейми,
Ҳаммасидан ўзинг меҳри
Улугимсан, Ватаним...

Сен Машрабсан-
Халқда тумор,
Балхда дорга осилган,
Навоийсан шоҳ ёнида
Фақирни дуо қилган,
Яссавийсан, меники деб
Кўринган даъво қилган,
Минг бир ёги очилмаган
Кўригимсан, Ватаним.
Сен Хўжандсан,
Чингизларга
Дарбозасин очмаган,

Темур Малик орқасидан
Сирдарёга сакраган,
Муқаниасан қорачиги
Оловларга сачраган,
Широқларни кўрган чўпон
Чўлигимсан, Ватаним.

Ким Қашқарни қилди макон,
Ким Энасой томонда,
Жалолиддин — Курдистонда,
Бобуинг — Ҳиндистонда,
Бу қандай юз қаролиг деб
Етарлар зимишонда,
Тарқаб кетган тўқсон олти
Уругимсан, Ватаним.

Ўглим, десанг осмонларга
Фирот бўлиб учгайман,
Чамбил юртда Алпомишга
Навкар бўлиб тушгайман,
Падаркушдан пана қилиб
Улугбекинг қучгайман
Гичир-гичир тишимдаги
Сўлигимсан, Ватаним...

«Ўтган кун» инг — ўтган кундир,
Ўз бошингга етган кун,
Қодирийни берган замин,
Қодирийни сотган кун.

Қўлии бояглаб,
Дилин догоғлаб,
Етаклашиб кетган кун.
Воҳ болам, деб айтмолмаган
Дудугимсан, Ватаним.

Ёнида қон йиглаган бир
Шоирингга қараб қўй,
Гар Қўқонга йўлинг тушса,
Детдомларни сўраб қўй,
Ҳеч бўлмаса Усмон хокин
Келтирмоққа яраб қўй,
Олисларда қуриб қолган
Қудугимсан, Ватаним...

Сен — шохлари осмонларга
Тегиб турган чинорим,
Ота десам,
Ўғлим деб,
Бош эгиб турган чинорим,
Қўйнимдаги ифтихорим,
Бўйнимдаги туморим,
Ўзинг менинг улуғлардан
Улугимсан, Ватаним!

ИЎҚЛОВ

I

Оҳ олтин бобом-а, воҳ тилло бобом.
Усмоним, Чўлпоним, Абдулло бобом,
Қаро ер бағрида қон йиглаб қолган
Акмал Икром бобом Файзулло бобом...

Билмайман мен бу кун қабрингиз қайда,
Ётарсиз тошга бош қўйиб қай жойда.
Энди билганимдан ҳам нима фойда?..
Оҳ олтин бобом-а, воҳ тилла бобом.

Чақнаган қарогим, сўнган қарогим,
Сўниб тупроқларга тўлган қарогим.
Бир кунда кесилгани бешта бармогим,
Оҳ олтин бобом-а, воҳ тилло бобом.

Балки мажнунтолдир, балки оқ қайин,
Бошингиз устида барг ёзган майин,
Ўлиб кетаверган айбин билмайин —
Оҳ олтин бобом-а, воҳ тилло бобом.

Оҳ олтин бобом-а, воҳ тилло бобом,
Усмону Чўлпону Абдулло бобом,
Қаро ер бағрида қон йиглаб қолган
Акмал Икром бобом, Файзулло бобом...

II

Ўлган ўлди — кетди,
Энди қайтмайди.
Нега?
Нима учун?
Бу ҳам муаммо.
Тарих — соқов кампир,
Дардин айтмайди,
Айтолмас,
Унутиб ҳам бўлмас аммо.

Мана Қодирийни қилишар сўроқ:
«Ўтган кун» деган шеър сизникими?
— Ҳа.
Аммо у шеър эмас...
— Жим бўлинг, ўртоқ,
Шеърми ё бошқами автори сиз-да.

Тамом. Бошқа гапга қолмади ҳожат,
Терговчи — пайгамбар.
Терговчи — худо.
Юқоридан келган буйруқ — ижозат,
Ўзбек эли битта доидан жудо.

Айби шуки... айби, (ким билсин буни).
Балки, жуда ноёб истеъдодидир.
Отишдимикин ё осишди уни,
Балки, ҳукм ижрочиси жодидир.

Жоди деганимни билишмас ёшлар,
Билмагани маъқул бундан кейин ҳам.
Жоди орасига суқилгач бошлар
Одам...

Кўзимга ёш тўлар мана шу ерда,
Кўйнимга тош тўлар мана шу ерда.
Кўзимга тор бўлиб қолади олам,
Оҳ олтин бобом-а, воҳ тилло бобом...

Ўтган кунинг қурсин, Абдулло бобом!

III

Ўй ёмон. Ўй ёмон қийнар одамни,
Илондек юракни кемирар малъун.
Урушдан ярим жон қайтган отамнинг
Қирқ йилки, тилидан тушмас Сталин.

Ота, қўйинг дейман,
Отажон, қўйинг,
Умрингиз ўтмоқда кимга ишониб?
Темир косов билан кўзимни ўйинг,
Фақат бир илтимос,
Гапирманг ўшани!..

Кўкариб кетади юzlари унинг:
Ўлгунимча унга содиқ қоламан.
Шу гапингни яна қайтарган кунинг,
Иккала кўзингни ўйиб оламан!..
Ишонч,
Қандай унвон,
Ишонч қандай шон.
Ул бузрукворимга нима ҳам дерман.

Кечиринг отажон,
Кечиринг отажон,

Мен басир болакай,
Мен нодон, гўрман.
Ўлган ўлди — кетди.

Энди қайтмайди.
Нега?
Нима учун?
Шубҳам, муаммо.
Ота хатосини ўғил айтмайди,
Айтолмас,
Унутиб ҳам бўлмас аммо...

IV

Кўп китоб ўқийман,
Жуда кўп китоб,
Балки, бу дунёда шудир гуноҳим.
Китоблар — севинчdir,
Китоблар — азоб,
Забонсиз дардкашим,
Тилсиз гувоҳим.

Ўйлайман заминда энг баҳтиёр зот,
Еки академик,
Еки бесавод!
Бири ўқиганин таҳлилин сўрмас,
Бири ўқишига ҳам уриниб кўрмас.
Мен эса китобга ёшишиб олдим,
Бош қўйдим сарғайган саҳифаларга.
Ўзимнинг кимлигим билмасдан олдин,
Ҳақиқат сўроқлаб тушдим бу жарга.

Бу жар ёмон чуқур,
Бу жар қоронгу,
«Қайт болам!..»

Отамнинг сўзларимикин?
Зулумот қаърида йўлимга ёғду
Файзулло бобомнинг кўзларимикин.

Бобожон,
Қайтиш йўқ.
Қайтиш йўқ энди.
Мен энди шу сўқмоқ йўлдан кетаман.
Хотира — кўксимни ёқсан чўг, энди
Ёниб кул бўларман, ё
Ё сизга етаман.

Етсам, бўйнингизга томади жолам,
Етмасам дунёни титратар иолам,
Оҳ олтин бобом-а, воҳ тилло бобом,
Ақмал Икром бобом, Файзулло бобом!..

V

Бир деҳқон бор экан,
Бир бечораҳол,
Уч ўғли фронтга кетгану алҳол,
Биттаси ҳам қайтиб келмаган увол...
Андижондами ё Фаргона ёқда.

Уч лочни фарзанди,
Нори бор экан,
Юракда армони,
Зори бор экан,
Бир одам бор экан,
Ори бор экан-
Андижондами ё Фаргона ёқда.

Бугун ҳеч ким унинг отини билмас,
Ўғиллар ўлгану хотини билмас,
Кўзи тўрт бўлиб хат кутар, хат келмас,
Андижондами ё Фаргона ёқда.

Уруш йилларини эсланглар бир, ҳой,
Бир кафт туз — қўл етмас осмондаги ой,
Тиллога тенг бўлган бир пайса бугдой,
Андижондами ё Фаргона ёқда.

«Кетдим. Болаларим ортидан мен ҳам,
Не қипти, хотинга айтсан — айтмасам,
Бир кунин кўрар-да, агар қайтмасам»,
Андижондами ё Фаргона ёқда.

Деҳқон тонг наласи сафарга чиқди,
Юртим деб бир йўли — хатарга чиқди,
Хотин ҳомиладор эди, қиз тугди,
Андижондами ё Фаргона ёқда.

Аёлга қўшнилар атала тутар,
Чақалоқ йиглайди, шамчирог тутар,
Аёл юраги гаш, Эрини қутар.
Андижондами ё Фаргона ёқда...

О, аёл юраги,
Сезиб қолди у:
— Эрим қани...
— Эринг кетди...
— Қаёқقا ?
Тонгда туққан хотин дод солиб бирдан
Чопиб кетди станция ёқقا !

— Бу қандай гап ахир,
Қандай гап ахир.
Наҳот, хайр демай кетаверди у.
Үттиз чақирим йўл югуриб борди,
Ариқлардан сакраб ўтаверди у.

Оломон йигилган темир йўл узра
Поезд жўнамоққа шай турар мана.
Кириб келди чопиб,
Кириб келди чопиб,
Аламзада тағин бир она.

Унга кўзи тушган инсонки титраб,
Кечди ўз гамию гуссаларидан -
Майдонда бир она турарди йиглаб,
Турарди қон оқиб тиззаларидан !..

Уруш, фақат оналардан ўч олар...
Балки ҳеч бўлмаса бири келиб қолар...
Ҳануз у тунлари тўртта жой солар...
Андижондами ё Фаргона ёқда.

Менга алам қиласар,
Торгина уйда,
Эгасиз тўрт ўрин тўшалар қалини.
Ва яна жилмайиб туради тўрда
Иосиф Сталли...

VI

Ўй ёмон,
У ёмон қийнар одамии,
Илондек юракни кемирар тамом,
Урушдан чалажон қайтган отамининг
Қирқ йилки, тилидан тушмайди бир ном.

Қўйинг ота дейман,
Қўйинг, отажон,
Умрингиз ўтмоқда кимга ишониб,
Қўзимни ўйинг, отажон,
Фақат бир илтимос,
Гапирманг ўшани...

Йиллар ҳам күчманчи қалдирғочлардек,
Келар,
Кетаверар,
Миқ этмай беун.
Дунёда мен ёлгиз сиғинган одам,
Сиз ёлгиз сиғинган одамдир-Лепин...

Үйлайман,
Уфқлар ортидан бир кун,
У аста бўйлару
Кўз тушар қўзга:
Бегуноҳ узлатга кетганлар учун,
Ким жавоб беради, ўртоқлар бизга?

Мен нима дегандим,
Нима дегандим,
Неларни қилгандим сизга васият.
Ҳурматли юртдошлар,
Азиз бошингизга
Сталин ўзигиз топган азият!..

Ўлган ўлди — кетди,
Ҳеч ким қайтмайди.
Нега?
Нима учун?
Менга муаммо.
Тарих — соқов кампир,
Дардин айтмайди,
Айттолмас,
Унутиб ҳам бўлмас аммо...

VII

Ўрмондан топайми,
Тоғдан топайми,
Қорайиб кун ботган ёқдан топайми,

**Ерларга томган қон — додган топайми,
Оҳ олтин бобом-а, воҳ тилло бобом...**

**Балки, мажиунтолдир,
Балки, оқ қайин,
Бошингиз устига барг тўкар майин,
Ўлиб кетаберган айбин билмайин,
Оҳ олтин бобом-а, воҳ тилло бобом.**

**Эвоҳ олтин бобом, воҳ тилло бобом,
Усмону Чўлпону Абдулло бобом,
Қаро ер багрида қон йиглаб қолган,
Акмал Икром бобом, Файзулло бобом!..**

* * *

Тушимга киради Қодирий бобом.
Бемадор, bemажол, беҳол, беором.

Эгнига эски бир тўи кийиб олган,
(Шинелдир балки у, кимдандир қолган).

Шинелнинг енгига похол ҳам бордай,
Бобомнинг юзлари оқарган қордай.

Осмондек, осмонда Чўлпопдек унинг
Чарақлаб тургувчи кўзи тўла мунг...

Тушимга киради Қодирий бобом:
Тур энди, бунча кўп ухладинг, болам.

Боқ, бу чоғайланиб жўхоризоринг,
Ўрогин қайрайди онаизоринг.

У ўриб бўлгунча ризқу зарингни,
Ўйнатиб тур, чиқиб укаларингни,

Ва менинг саломим етказ аларга-
Бобосин согинган мусичаларга...

ТАВАЛЛО

Рутубатли Сибирь ўрмонларида
Қайнилар қарсилаб қулаб тонг отар.
Қаранг, Усмон Носир сўнгги маконида
Мардикорлар билан қучоқлашиб ётар...

Ўрмонлар чеккаси тикон далалар,
Ётибди бир дала қоракўз болалар.
Ётар ҳеч излари топилмагаплар,
Ўп гулидан бир гули очилмаганлар.

Қабрлар қабрга туташиб кетган,
Қўллар бўйинларга чирмасиб кетган,
Бамисли шохдан дув тўкилган бодом,
Ётибди бепоён майдон тўла одам...

Рутубатли Шимол ўрмонларида
Қайнилар ҳўнгираб қуёшии уйготар.
Қаранг, Чўлпопингиз сўнгги маконида
Бекасам чопонин ёниниб ётар.

Ётар алпқоматли баҳодирлар қатор,
Акмаллар,
Қодирлар,
Шокирлар ётар.

Ётар Файзуллалар,
Ётар Аҳмадлар,
Худо раҳмат қилгур, худо раҳматлар!..

Уларнинг саноги юлдуздан ҳам кўп,
Юртим, дилбандингдир ҳар гиёҳ, ҳар чўп.
Фидоларинг бўлган фарзандларинг бор,
Номдору номсизин хоки пойин ўп.

* * *

Қадим Ўзбекмомо куйи ёдимда,
Едимда чечаклар кулган Чамбили.

Ҳар гал концертига кирган чогимда
Ялтироқ чопонли «Ялла» ансамбли,
Ботир Зокировни ўйлайвераман.

Қизлар қарсак чалар — таъсир шунақа,
Қизлар ҳуштак чалар — аср шунақа.

«Ялла» залга сочиб сумалак исини,
Куйлар «бойчечагим — бойланди»сини,
Ботир Зокировни ўйлайвераман.

Гоҳ чиқиб кетаман, сезмайди бирор,
Бу жойларда мени ким ҳам танийди.

Огайнилар, мен ҳам дунёда бир кун
Битта қўшиқ айтиб ўлсам майлийди...
Ботир Зокировни ўйлайвераман.

Зийрак қоровул чол тўсар йўлимни,
Хўрсинар. Жим сиқиб қўяр қўлимни.

Ҳеч қандай ансамбль овута олмае,
Бу кунрайхон ҳидли маъюс қўнглимни,
Ботир Зокировни ўйлайвераман...

Кетаман. Келаман уни сўроқлаб
Қўдимда дехқон юртнинг жамбили, мен.

У энди куйламас багримни додглаб,
Сен куйлайвер «Ялла» ансамбли, мен-
Ботир Зокировни ўйлавераман!

ШУКУР БУРҲОН

Шукур Бурҳонни ҳам қузатиб қўйдик.
Кетди қон юраги устида қўли.
Ортидан энгашиб бориб биз қўйдек,
Ерга бериб келдик ўпкамиз тўлиб...

Бордик дўстлари ҳам, душманлари ҳам,
Қабрии устида ҳам сўйладик ёлгоя:
Санъат фидолари,
Мен сизга айтсам,
Ундаи Шукур Бурҳон,
Бундай Шукур Бурҳон!

Тиригида ҳеч ким айтмаган гаплар,
Ҳали совумаган тупрогига ёғди.
Йиглади умрида йигламаган арбоблар,
Кўзидан ёшлари сел бўлиб оқди.

Ялаингтўш бобо жим қулиб ётарди,
Шунча дўсти бор экан у билмаганди!
Епирай, тасаввур ҳам қилмаганди
Чунки уч кун олдин почтадан олгон
Меҳнат дафтарчасин қучоқлаб ҳайрон,
Хотини олдида шундай йиглаганди...

Ўқраб йиглаганди,
Ҳўнграб йиглаганди,
Кўзига тор бўлиб ёруг жаҳони.
Эркак боши бундай эгилмаганди,
Балки... узилгандир ўшанда жони!

У балки мейдан ҳам яшарди кўпроқ.
У балки сендан ҳам яшарди кўпроқ.
Эй қўнгир тупроқ,
Эй муқаддас тупроқ,
Сен,

Шукур
бобога,
болини
бўл,
юмшоқ...

АРМОН

*Афғонистонда ҳалок бўлган ўзбек
ўғлонлари хотирасига*

Ҳидикушдан таралади бир пола,
Юракларни титратиб зир-зир пола
Қаранг, қонга ботиб ётар бир дала,
Мангу армон бўлиб кетган ўғлонлар...

Алномишдай келбатидан гапирмай,
Ўн саккиз ёшга ҳам кириб ё кирмай.
Ўн гулидан бир гули ҳам очилмай,
Умри хазон бўлиб кетган ўғлонлар.

Меҳнатдан бош кўтармаган деҳқон эл,
Урушдан ҳеч кўкармаган, деҳқон эл.
Йўқлар сизни кўздан ёшин тўкиб сел,
Ўққа қалқон бўлиб кетган ўғлонлар.

Бир дарёга уланмаган ирмоқлар,
Бир қиз ёсочин силамаган бармоқлар,
Бир тупроққа тўкилган қизгалдоқлар,
Бевақт қурбон бўлиб кетган ўғлонлар.

Аслида-ку барингиз бир ўзбексиз,
Бир юрт ўғли, бир узукка кўздекесиз,
Бўғзимда тош қотиб қолган сўздексиз,
Марди майдон бўлиб кетган ўғлонлар.

Бу дунёда балки, бир онанинг сиз,
Тилаб олган ёлгиз ўғли эдигиз,

Қайтмас бўлиб қаро ерга кетдингиз,
Мулки афғон бўлиб кетган ўғлонлар...

Ботирмиди, Қодирмиди отингиз,
Қолди дилга муҳрланиб ёдингиз.
Жалолиддин ахир, сизнинг зотингиз,
Ўзбекистон бўлиб кетган ўғлонлар!

КУМУШБИБИ НОЛАСИ

Сизга бир армон бўлай, золим бегим,
Жайрон бўлай, қувлаб етиб олинг бегим.
Марғилоннинг йўлига бошим қўйиб,
Жон берай, Зайнаб билан қолинг, бегим.

Қани ул қайрилмақоши Кумуш деманг,
Багри гул, бағри оташ Кумуш деманг,
Кўзларингиз нега ёш Кумуш деманг.
Бир кўрай, Зайнаб билан қолинг, бегим...

Сигмадим кундошнинг бу тош шаҳрига,
Дош беролмам бу қарошлар заҳрига,
Ердан айрилдим қаро ер бағрига.
Жо бўлай, Зайнаб билан қолинг, бегим.

Сен нечун тўлгонасан куйган кўнгил,
Отабекни жонидан суйган кўнгил,
Яшнагайми бир қучоқда икки гул?..
Мен сўлай, Зайнаб билан қолинг, бегим.

Ергинам рухсорига жоним фидо,
Бу жаҳонда борига жоним фидо.
Хайр эй, ширин забоним алвидо,
Мен ўлай, Зайнаб билан қолинг, бегим...

Сизга бир армон бўлай, золим бегим,
Жайрон бўлай, қувлаб етиб олинг, бегим,
Марғилоннинг йўлига бошим қўйиб,
Жон берай, Зайнаб билан қолинг, бегим.

ОТА МАКОН

Сизга айтсам, ҳали тупроқ ботмай товонга
Ва муҳаббат қийноқларин билмасдан олдин
Ажиб түгён келаверди бостириб қонга,
Мен юртимга кўнгил бериб балога қолдим...

Мана эиди армоним кўп кўринмайдиган,
Кўрниса ҳам бирорларга шунчаки эрмак.
Дала йўлда қуриб қолган ялпизнинг зори,
Шотутларнинг сувга тушган кўзёшлариdek.

Сиз қуларсиз, бу китобий сўзларни қўй, деб
Хитобларни тўқаверма, бола, липпадан.
Аммо рости, лабда болдек қотиб қолган шу
Онам сути, онам сути экан-да Ватан!..

Шу ваталига нафим бўлса дейман менинг ҳам
Ва мақтанчоқ шоирчалар текканда жонга,
Уятларда ловуллаган юзимни босиб,
Овунаман мўмину соф Ўзбекистонга.

Давраларни ҳайрон этиб кетаман чиқиб,
Яшнагайми бир қучоқда икки гул?..
Юлдузлармас қаранг кўкда порлаган, улар-
Шу юрт учун қурбон бўлганларнинг кўзлари!..

* * *

Бу қиз эса тушунмайди, тушунмас мени.
Бу қиз менинг кўзларимдан излар тасалли.
Севаман дер сочим силаб, юзма-юз ёлгиз,
Ва елкамга нигоҳ тираб ўйладиди: далли...

Билмайдики, ҳали тупроқ ботмай товонга,
Ҳали севги азобларин билмасдан олдин
Келаверди бир дунё ҳис бостириб қонга,
Мен юртимга қўнгил бериб балога қолдим.

Билмайдики, юрсам-турсам йўлдошим шу юрт,
Уйқумда ҳам жонга босиб ётаман қўлини.
Қиз дегани Зулайҳодай сулув бўлса ҳам,
Севолмайди уни ҳеч ким, суймаса элин...

Мактабдошим бўлар эди, менинг сирдошим,
Кечалари кўкка боқиб ўйлар сурардик.
Қайда кибор кимса кўреак, ё бир тубанлик
Қўлимиз мушт, тинимизни қайраб юрадик.

Уни бугун бешикдаги бола ҳам танир,
Олим, дейди... ўзи маъқул, сўзлари маъқул.
Сен бекорчи хаёлларни сувга соч, энди
Яшашни бил, дея менга хат ёзар нуқул.

Яшашни бил! Йилтиллайди кўзлари ёмон.
Яшашни бил! Кулар оппоқ кўйлақ, оқбадан.
Севаман, деб қасам ичар талабасига,
Йигинларда шутқ сўзлар: она бу — Ватан!

Ҳовучимда бўтана сув ичмасман энди,
Хайр энди болалигим — бебаҳо тилсим.
Мактабдошим бўлар эди, энг яқин дўстим,
Уни бугун сенинг шаффоғ руҳинг кўр қиласин...

* * *

Сиз кулареиз, бу хитобий гапларни қўй, деб
Аммо рости, бир ҳикматин энди билдим ман:
Ҳей одамлар, лабда болдек бўлиб турган шу
Онам сути, онам сути экан-да Ватан!.

Шу ватаангя нафим тегса дейман менинг ҳам,
Юрак ундан бир сўз кутиб бўйлар осмонга.
Ўглим, деса икки қўллаб жонимни тутиб
Сигинаман мўмин ва соф Ўзбекистонга.



Миртемир хотирасига

Пайкалдан бош қўттармайди Халча хола.
Халча хола тандир-тандир ион ёпади.
Бир шеър ёзсанг — кулиб турса тўққиз бола,
Ана энди Миртемирни ким топади?..

Хадичадир асли оти, билмасман ҳам,
Халчага мос лекин келбат, салобати.
Билганим шу — бундайларсиз дунё бир кам,
Мана энди Миртемирни ким тонади.

Тўққиз ўғли тўққиз юрга кетди тўзиб,
Халча ўзи қурт боқади, ер чопади.
Бир қўшиқ бўп йиглатгудек унинг бўзи,
Аммо энди Миртемирни ким тонади.

У отамнинг ёлгиз сингли дили нозик,
Бир кун борсам олдига зўр шеърим ёзиб,
Тузук деди. Лекин уни дерди буюк
Ҳамма... энди Миртемирни ким топади.

Ана, энди Миртемирни ким топади?..

* * *

Юрагинг сиқилиб бориб шаҳардан,
Секин гапга солсанг мўмин дехқонни.
Қодирийши эслар ёзувчилардан,
Артистлардан эса — Шукур Бурҳонни.

Сенинг тилла гардиш кўзойнагинг бор,
Лекин беркитолмас у ҳам гинангни.
Нафис жилд китоблар йигмассан бекор
Бекор олмагансан пианинангни.

Мана кўриб қўйинг — Одалиска бу,
Рангларга эътибор беринг, рангларга.
Беҳзод чизгилари эмас сизга бу,
Санъатда етмоқ йўл бўлсин бизга бу,
Нозикфаҳм рум — фараангларга.

Мана бу Отелло. Ўша ҳабаши шоҳ.
Саҳна Овруподир. (яна ўша ёқ)
Дунёда ҳеч кимда йўқ бундай овоз.
Дунёда ҳеч кимда йўқдир бу нигоҳ.

Дейсан: бу китобим ичи тўла дур,
Дейсан: бу китобим битта нуехадир.
Тасвир ўзи ҳаёт, жумла қисқадир,
Лекин барибир.

Лекин барибир —
Юрагинг сиқилиб бориб шаҳардан,
Секин гапга солсанг отанг — дехқонни.
Қаҳҳорни эслайди ёзувчилардан,
Артистлардан эса Ҳалимахонни.

КИНОГА КИРМАЙМАН

Билет топилмайди «Ўтган кунлар»га,
Қизлар қайтиб келар кўзёп қилишиб.
Хайр уйқу дейман менда йўқ ором,
Муқовасиз китобимга мук тушиб.

Погоҳ музикалар тинган ётоқда
Китобим кирмаган хона қолмаган.
Ҳеч ким уни мендек ўқимаган лекин
Ҳеч ким уни мендек ўқний олмагап.

Кўзимни юмаман кулгичлари яйраб
Кумуш боласига рўмолча тўқир.
Кейин ичкаридан минг йил наридан
Зайнабнинг нигоҳи жонимни чўқир.

Шуидай оқшом ботар, шуидай тонг отар,
Китобим ўқиийман сатри муқаддас.
Менга ёқмас эркандаги Отабек,
У бошқа. У бошқа мен билган эмас!..

Билет топилмайди «Ўтган кунлар»га,
Мен эса кирмайман бекорга ҳам ҳатто.
Майли қареак чалай истеъодод учун
Лекин санъат — санъат, ҳаёт — ҳаёт-да.

Кўзимни юмаман, кулгичлари яйраб
Кумуш боласига рўмолча тўқир.
Кейин ичкаридан минг йил наридан
Зайнабнинг нигоҳи жонимни чўқир.

Саргайган бетларга қўйиб бошини
Кумуш кулиб ётар тирикдек худди.
Тур энди опажон, тур энди опа
Отабегинг сени унутди?..

Билет топилмайди «Ўтган кунлар»га,
Мен кирмайман. Кирсам кўнглим тўлмайди.
Китобим ўқийман,
Ўзим тўқийман,
Кинога ҳеч шарса қўшиб бўлмайди.

* * *

Томлардаги қизгалдоқ,
Юлдузлар бодроқ-бодроқ,
Қайнаған маржон булоқ,
Яшнаган яшил ўтлоқ,

Бу тун,
Бу ўрик,
Янтоқ,
Кимларниң болалари?..

Бу ёмгирлар, бу қорлар,
Бу ёзлар, бу баҳорлар,
Бу бургут, бу шунқорлар,

Бу оташ қасиргалар,
Бу түгрисўз турналар,
Кимларниң болалари?..

Мен билмайман ким улар,
Мен билмайман, ким улар,
Чақмоқниң болалари,
Дўлларниң болалари,
Осмониниң болалари,
Қўлларниң болалари...

— Ўзинг кимсан?
— Шоирман.
Ха, шоирми, шоирлар-
Гулларниң болалари!

МИКОЛА ЛУКИВДАН
(Украина)

ОБОЛОНИДА

Оболони ўтлоқзор эди,
Ўтлоқзорда отлар бор эди.
Қани улар?
Ким билсин дейсиз!
Эл уларни эсламас, эсиз...

Фақат тунлар юртнинг бир ўғли
Үйгонади кўзлари чўғли.
Деразадан мўралаб бот-бот
Унга боқиб турган бўлар от.

Отнинг ёли ажиб бир мовий,
От чиройли, аммо ёввойи.
Бола йиглар онажконига.
Тулпор отни чорлаб ёнига.

Онаси дер: «Болам, бу эртак».
Отаси дер: «Юм кўзни, тентак.
Йигирманчи асрда — бу кун,
Бетон йўлда От нима қиласин?!»

* * *

Тилларанг куз куни кўзни олади,
Тўкилади япроқлар қилиб зарда...
Ўрмонда, йўқ, малласоч қайинзорда,
Ўрмончининг қизи рояль чалади.

Ўрмопчини ром этмиш галат товуш,
Тинглар жимиб, тинглару қиласур ҳузур.
Унга ҳаёт тортиги бўлди юмуш.
Умр ўтар, невараага барибир.

Чолининг оти бўлса япроқ чайпайди,
Елларига тўкилади япроқлар.
Бензин ҳиди билан тўлган димоқлар,
Осмонлардан ҳаво сўрайди.

Бунда бўлса... чўплар кўзни олади,
Тўкилади япроқлар қилиб зарда.
Куз одимлар малласоч қайинзорда,
Ўрмончининг қизи рояль чалади.

ҚИЗИЛГУЛ

Қизилгул, қўйнимда ухлаб ётган гул,
Қўллари бўйнимда, ухлаб ётган гул,
Киприги кўксимга тигдек ботган гул,
Сенга нима керак яна эй, кўнгил...

Енимда солланар қирқ тилла кокил,
Тўлғонар, товланар қирқ тилла кокил,
Жонимдан айланар қирқ тилла кокил,
Сенга нима керак яна эй, кўнгил...

Бешикни титратиб чинқирап оҳим,
Юзлари оппогим, кўзи мунчогим,
Бу ёруг дунёда ўчмас чирогим,
Сенга нима керак яна эй, кўнгил...

Жонимни чўқийди бир қуш келиб жим.
Мен сени билмайман эй, қушча сен ким?..
Сен менга ҳеч киммас, мен сенга ҳеч ким,
Сенга нима керак яна эй, кўнгил.

Қизил гул, қўйнимда ухлаб ётган гул,
Қўллари бўйнимда ухлаб ётган гул...
О, менинг кўксимда йиглаб ётган гул
Кўнгил, сенга яна не керак, кўнгил?

ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ

Қадим Бухорога лайлаклар келди,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?
Ривоятлар келди, эртаклар келди,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?!.

Биз-ку эртакни ҳам сургаймиз кўзга,
Илҳақмиз хабарга, илҳақмиз сўзга,
Ҳаммадан ҳам кўпроқ муштоқмиз сизга,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?

Бухоро боғлари сиздан хотира,
Чақнар чироқлари сиздан хотира,
Кўз ёш булоқлари сиздан хотира,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?

Қўймадик жойига эъзозингизни,
Айтмай кетдингиз-ку дил розингизни,
Тинглаб юармизу овозингизни,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?

Йиглар Самарқандга сирдош Бухоро,
Минорида ухлар қуёш Бухоро,
Иби Синолари талаш Бухоро,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?..

Қадим Бухорога лайлаклар келди,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?
Ривоятлар келди, эртаклар келди,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?

Юракка санчилиб ағёр отган ўқ,
Ётарсиз ерга ҳам озорингиз йўқ,
Йўқлаб борай десак, мозорингиз йўқ,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?..

ОНА

Уч кун туролмайсиз менинг уйимда.
Гүё кўқдан тушган каби фаришта,
Бор-йўқ жиҳозимни қилиб саришта,
Кетасиз-да яна келган кийимда...

Яна қучогимга отилар шеърим,
Мен уни мақтарман, у мақтар мени,
Мен йўқлай олмайман, сен ахтар мени,
Туғишганиларму туғилган ерим!..

Китобларим чиқар жиллари юпқа,
Кўйлак олсам дейман сизга гоҳида,
Қолдираман қишига, кузга гоҳида,
Кейин қизларга гул қиласман тұхфа.

Ойнаи жаҳондан салом бераман,
Тилла тишлиларимни кўрсатиб қулиб,
Шунда хўрсинарсиз менга тикилиб,
Балки, йигларсиз, мен қайдан кўраман?..

Мен сўз қидираман, сиз менга қаллиқ.
Набиралар кирап тушларингизга,
Ўстирасиз тишилаб тишлиларингизда,
Дунёда бор сулув қиз — менга қаллиқ.

Онажон, кетаман сиз энди келманг,
Менсиз ҳам шоирдан безор бу шаҳар,
Секин ёнингизга чўкиб бир саҳар!
Дардингиз сўрмасам, боламсан, деманг!..

Уч кун туролмайсиз менинг уйимда,
Кўқдан тушиб келган каби фаришта,
Бор-йўқ жиҳозимни қилиб саришта,
Кетасиз-да яна келган кийимда.

ТУРНАЛАР

Иссиқ-иссиқ юртлар излаб,
Ўтаётир турналар.
Ҳамдаму ҳамюртлар излаб,
Кетаётир турналар...

Ҳолидин бўлмай огоҳ,
Қилдик гуноҳ, қилдик гупоҳ.
Қалбию қаноти музлаб,
Кетаётир турналар.

Хўшлашиб қуёш билан,
Қароги тўла ёш билан,
Йиглатиб, ўзлари йиглаб,
Кетаётир турналар.

Мехри оқибат сўраб,
Ширип калом, сухбат сўраб,
Кўзга кўринмай олислаб,
Кетаётир турналар.

Руҳи кўкларни қучиб,
Қўймоққа жой танлаб учиб,
Битта-битта ер багирлаб,
Кетаётир турналар.

Қуш эмас, хуллас калом,
Бири бобом, бири момом,
Жонлари жаннатни кўзлаб,
Кетаётир турналар!..

Иссиқ-иссиқ юртлар излаб,
Кетаётир турналар.

ИЛЁС

Илёс исмли икки яшар жиянум сариқ касал туфайли вафот этди.

Шифохонада керакли дори керак пайтида топилмаган эмиш... .

Малҳам кутиб меинга жовдираб қолган
Илёс, кўзларингдан айланай сенинг.

Шифокор опанинг сўзлари ёлгон
Илёс, кўзларингдан айланай сенинг!..

Улар ичинда ҳам бордир тулкилар,
Улар шамолни ҳам тутиб пул қиласар,
Ҳатто ўз боласин ўйламас улар.
Илёс, кўзларингдан айланай сенинг.

Устингдан огулар сепишди қанча,
Мурғак юрагингга нишларин санча,
Эндинга тили чиққан одамча —
Илёс, тилларингдан айланай сенинг.

Нажоткор эмишлар! Кўрдим барисин,
Имони йўқ булар ёшу-қарисин,
Бошимга урайми энди дорисин?..
Илёс, кўзларингдан айланай сенинг.

Сувларнинг юзида турмасдир хаслар,
Сени ҳалок этди бир тўп нокаслар,
Тушимда қўлларинг бўйним пайпаслар,
Илёс, қўлларингдан айланай сенинг!

Яхшиям дунёда қуёш бор, гул бор,
Қайдадир мени ҳам тушунган дил бор,

**Одамлар бор ҳали мўмин, беозор.
Илёс, кўзларингдан айланай сенинг.**

**Йиглаб-йиглаб юмилдими қарогинг,
Кафтими куйдирап қолган мунчогинг,
Кўксингда кетдими ёлгиз сўрогинг,
Илёс, кўзларингдан айланай сенинг!..**

МУҲАББАТ

Момо ҳаво тагимга
Тўшаб кетган йўргагим.
Бир йигласам бешикдан
Бўшаб кетган кўкрагим.

Одам Ато қўйнидан
Тушиб қолган эртагим.
Бир қарасам болдайин,
Бир қарасам шўрдагим...

Ялмогизлар қўлида
Қолиб кетган эрмагим.
Кўз ёшлиарим қўлида
Сузиб юрган ўрдагим.

МУНДАРИЖА

* Сўзбоши	3
---------------------	---

КИЙИК СҮҚМОҚ

* «Шеърият...»	5
* Инқилоб	6
* Бободеҳқоним	8
* «Кўнгил шодлигига...»	12
* Туғилган кунида	13
* Чўлоқ турна	14
* Соғинч	15
* Зокир бобо ҳикояси	16
Анжелика	19
* Юрак билан сұхбат	21
* «Сен хат ёзма...»	22
* Орол	23
* «Баҳор ўтди...»	24
* Онаизор	24
* Аҳмад Зоҳир қўшиги	25
* «Яна қуёш чиқди»	26
* «Оламда нима гап...»	28
Ёқуб мерган	29
* Эгасиз уй	30
* Урушийларининг жонон қизлари	31
«Мехрим қаттиқ бўлди...»	32
* Хайригул	33
* Ота	34
Бир куни	35
Бир кечада	36
* «Тунлар бирам...»	37
Савол	38
* Тулки	39
* «Онажон...»	40
* Ўтич	42
Қодир	44
* Қишлоқда	45
Марух довони	47

«Юзга...»	48
Истак	49
Люба Шевцова	50
«Баҳорда...»	51
* Илтижо	52
* Иқрор	53
* Бригадир	55
* Энасойнинг буғулари	56
* Ориятли одам	59
«Елғон...»	61
Алвон гуллар	62
* Кетиб қолдим	63
Мадина	64
* Ўзбекфильм	65
* Дўши	67
* «Ҳайрон...»	68
* «Мен эртаклар ўқиб...»	69
Синглимга мактуб	71
«Елкадан...»	72
«Ой юзидан...»	73
* Андиша	74
Ҳалима энам аллалалари	75
* Тўп ҳақида шеър	91
* Андикон	93
* Маҳаллийчилик	95
* Белбог	96

ЖАЙРОН, НЕГА КЎЗИНГ ТУЛА ЕШ

* Топилмайди	97
* «Қалбнинг қизил гулхани...»	98
«Қарамайди...»	99
«Севги бамисоли...»	100
* «Алда мени...»	101
* «Кунлар ботар...»	102
* Ҳалима	103
«Энди билдим...»	104
«Кечагина...»	105
Севар экан	106
Кечикиш	107
«Ҳайрон бўлмам...»	109
Севги бу	110
Сендан хат йўқ	111
Қушлар ҳам йиглар	112
* Тилла балдоқ	113

* «Бу қиз мени...»	114
* Райхон	115
* Мехр келур	116
* Мұҳаббатим	117
* Қары қиз	118
* «Эсламасаңг...»	119
* «Севгим менинг...»	120
* Бириңчи бўса	122
«Мен кузни...»	123
* «Бу дунёда...»	124
* Ширин азобим — севги	125
«Осмон чўкиб қолди...»	128
* Фуур	129
* «Узун кечада...»	130
* Тушларимга кир	131
«Осмон мисли...»	132
* Ёр-ёр	133
* «Ситамларинг...»	135
* «Дайди еллар...»	136
* «Севгилим...»	137
* Жайрон	139

АЙТСАМ АДО БЎЛМАС АРМОНЛАРИНГ БОР

* Менга беринг	140
* Онамдан хат	142
* «Қоғиялар...»	143
* Насиҳат	144
* Бахтли бўл, дерман	145
* Марҳамат	145
* Қизил олма	147
* Самарқанд	148
* Тиллақўнғиз	149
«Бекатларда...»	150
* Чилонзор	151
* «Бу шеър эмас...»	152
* «Азизимсан...»	152
* Юрак	153
«Карнай йиглар...»	154
* Уйқудаги қиз	155
* Ҳаммамиз ҳақда бир шеър	156
* Учрашувда ўқилган шеър	158
* Хаёл	159
* Қўшиқ	160
* Соғиниш	161

* Абдулла Орипов ҳангомаси	162
* Усмон Носир	164
* «Юртим, адо бўлмас...»	165
* Ватан	166
* Йўқлов	169
* «Тушимга киради...»	178
* Тавалло	179
* «Қадим Ўзбекмомо...»	180
* Шукур Бурҳон	181
* Армон	183
* Кумушбиби ноласи	185
* Ота макон	186
* «Сиз куларсиз...»	188
* «Пайкалдан...»	189
* «Юрагинг сиқилиб...»	190
Кинога кирмайман	191
* «Томлардаги қизғалдоқ...»	193
* Оболонида (<i>Микола Лукивдан</i>)	194
* «Тиллараинг куз...» (<i>Микола Лукивдан</i>)	195
* Қизилгул	196
* Файзулла Ҳўжаев	197
* Она	198
* Турналар	199
* Илёс	200
* Мұхаббат	202

*© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат шашри-
ёти, 1989 й.

Литературно-художественное издание
МУХАММАД ЮСУФ (ЮСУПОВ МУХАММАД)
СПЯЩАЯ ДЕВУШКА

Стихи

Художник *Л. Литерова*

Ташкент, издательство литературы и искусства им.
Гафура Гуляма

На узбекском языке
Адабий-бадиий нашр
МУҲАММАД ЮСУФ (ЮСУПОВ МУҲАММАД)
ҮЙҚУДАГИ ҚИЗ

Шеърлар

Редактор *А. Қутбиддинов*
Расмлар редактори *М. Карпузас*
Техн. редактор *М. Мирражабов*
Корректор *Ш. Собирова*

ИБ № 4242

Босмахонага берилди 21.09.88. Босишга рухсат ётилди
21.03.89. Р. 10533. Формати 70×90^{1/32}. Босмахона қозоги № 2.
Янги оддий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 7,60.
Шартли кр. оттиск 7,89. Нашр л. 6,46. Тиражи 10000.
Буюртма № 1162. Баҳоси 95 т. Шартнома 134—88.

Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,
700129. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.

Ўзбекистон ССР, Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси
ишилари Давлат комитетининг «Матбуот» полиграфия
ишилаб чиқариш бирлашмаси. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.